VATAN TUYG‘USI HAR NARSADAN USTUN

O‘ZBEKISTON “MILLIY TIKLANISH” DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

45 (314) ● 2014 йил 19 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Халқимизнинг бой ва бетакрор маданий, маънавий, миллий анъаналарини асраб-авайлашга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам мазкур жараёнда муносиб иштирок этишга интилмоқда. Зеро, партия сайловолди Платформасида белгиланганидек, ҳунармандчилик турларини рағбатлантириш, қайта тиклаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш устувор вазифаларимиздан



6 ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

Ватанимиз мустақилликка эришгач, 1991 йилнинг 18 ноябрида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.
Мана, йигирма уч йилдирки, миллий байроғимиз халқаро миқёсда мамлакатимиз обрў-эътиборини, юртдошларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда



8 КЎЗГУ

*Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди.*

*“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги қонуннинг 27-моддасидан*

Сарҳисоб





## Ғояга қарши ғоя билан

**ёхуд халқимизга ёт ва ёш авлод онги учун зарарли бўлган “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан муҳофазалаш борасидаги ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифалари рўёби таҳлилига назар**

*Мамлакатимизда юксак салоҳиятли, чуқур билимга эга ёш авлодни тарбиялаб, вояга етказиш, уларда она Ватанга садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат туйғусини юксалтириш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг муҳим масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча — қаерда ҳушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади.*



Дарҳақиқат, глобаллашув жараёни кечаётган ҳозирги шароитда ёшларимизни Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашнинг сифат ва самарадорлигини ошириш долзарб вазифалар сирасига киради.

Бугун бутун дунёда глобаллашув жараёнлари авж олиб, ғоя ва мафкуралар кураши кучайиб бормоқда. Бу жараёнда аҳоли, айниқса, ёшлар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш, миллий маданият, азалий қадрият ва асрий анъаналар илдизига раҳна солишга интилаётган “оммавий маданият” ниқоби остидаги мафкуравий таҳдидлар таъсиридан ёш авлодни ҳимоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

5-бет

Сайлов — 2014

## Сиёсий партияларнинг депутатликка номзодлари

**рўйхатга олинди**

***2014 йилги сайловни ёритиш бўйича республика матбуот марказида Марказий сайлов комиссияси томонидан навбатдаги матбуот анжумани ўтказилди. Марказий сайлов комиссияси аъзолари, маҳаллий ва хорижий журналистлар иштирокида ўтган анжуманда Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов комиссиянинг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш ва сайловолди ташвиқотини ўтказиш тартиби тўғрисидаги қарорлар қабул қилингани ҳақида ахборот берди.***

Таъкидландики, барча сиёсий партиялар томонидан қонунда белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатилди. Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар раҳбарларининг депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ҳақидаги аризалари ва уларга илова қилинадиган зарур ҳужжатлар қабул қилинди ва махсус ишчи гуруҳи томонидан мазкур ҳужжатлар қонунда белгиланган муддат ва талабларга мувофиқ текшириб чиқилди. Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш ишлари сайлов қонунчилиги талабларига тўла мувофиқ равишда ўтказилгани таъкидланди.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигига биноан сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини хотин-қизлар ташкил этиши лозим. Матбуот анжуманида тақдим этилган ахборотга кўра, бу меъёрга тўла амал қилинган - рўйхатга олинган номзодларнинг 31,8 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.

5-бет



Заҳро Аллаёрова, Дарья Сафарова, Сабина Никольская, Мадина Калибоева, кўлтўпи бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари, Осиё чемпионати совриндорлари:

— Мамлакатимизда спортни ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар мазмун-моҳияти, аҳамияти ва самаралари матбуотда ёритилиши айни муддао.
Биз “Milliy tiklanish”ни танладик.
Сиз-чи?

Электорат минбари

## Болалар спорти

**уни ривожлантиришга кўмаклашиш партиянинг янги сайловолди Платформасида аниқ белгилангани ҳар жиҳатдан муҳимдир**

***Юртимизда фарзандларимизнинг таълим олиши, спорт билан шуғулланиши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Президентимиз раҳнамолигида барпо этилаётган замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар, муҳташам спорт иншоотлари навқирон авлоднинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилмоқда.***

Ҳатто, чекка қишлоқларда ҳам бундай имкониятларнинг яратилиши ёш, иқтидорли спортчиларнинг етишиб чиқишида, юртимиз байроғини жаҳон ареналарида баланд кўтариб, мамлакатимиз довруғини дунёга танитишларида муҳим аҳамият касб этаётир.

Кўп йиллардан буён ёш авлод таълим-тарбияси йўлида фаолият юритиб келаман. Ўқувчиларимнинг аксарияти спорт билан мунтазам шуғулланишади. Қизларнинг нафис спорт тури — бадиий гимнастика, ўғил болаларнинг миллий кураш билан шуғулланиши уларнинг ҳаёт тарзи, ўқиши, дарсларни ўзлаштиришига ижобий таъсир ўтказиши иш тажрибамдан яхши аён. Шу боис ўқувчиларимга спорт инсонни эзгуликка, юксак муваффақиятларга чорлашини уқтириб келаман.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фаолиман. Партиянинг барча тарғибот тадбирларида фаол иштирок этаман. Айниқса, ёшларни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш, уларда ватанпарварлик туйғусини юксалтиришга қаратилган тадбирларда олган таассуротларим иш фаолиятимда ҳам асқотади. Партиянинг III съездида иштирок этиб, янги сайловолди Платформасида айнан болалар спортини ривожлантиришга кўмаклашиш масаласи илгари сурилаётганидан қувондим. Чунки ЎзМТДПнинг дастурий ҳужжатларида ёшларни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш масаласи ўрин олган бўлса-да, болалар спортини ривожлантиришга кўмаклашиш аниқ белгиланмаган эди. Сайловолди Платформадаги ушбу мақсад ва вазифалар болаларни нафақат спортга кенг жалб қилиш, балки уларнинг миллий ва мустақиллик ғоялари асосида тарбиялаш, Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, маънан юксак, жисмонан бақувват авлод бўлиб етишишларида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳар қандай давлат ўз истиқболини соғлом ва баркамол авлод тимсолида кўради.

**Гулноз ТУГИЛОВА,**
**Ғаллаорол туманидаги 26-умумтаълим мактаби директори,**
**ЎзМТДП съезди делегати**

Сана

## Ифтихор ва ғурур тимсоли

**Давлат рамзлари ҳар бир мамлакатнинг суверенитети ва мустақиллигини ифодаловчи муқаддас тимсоллардир.**

8-бет






“Milliy tiklanish” газетасига обуна бўлинг!
Нашр кўрсаткичи — 158



⊙ Сайлов ва ёшлар

# “Миллий тикланиш” — бизнинг партиямиз

## ёхуд сайловдаги илк иштирок, ҳаяжон, қувонч ва масъулият

*Инсон ўз ҳаётидаги илк воқеаларни ҳеч қачон ёдидан чиқармайди. Бутун умр унинг ҳаяжони, завқу-шавқини туйиб яшайди. Шунинг учун ҳам қўлимизга қалам ушлатиб, ўқиш ва ёзишни ўргатган биринчи муаллимимизнинг меҳр тўла кўзларини доим эслаб юрамиз. Гарчи ҳаётимиз давомида кўп устозлардан таълим олсакда, биринчи ўқитувчимизнинг юзидаги самимият кўз олдимиздан кетмайди. Университет ёки институтга қўйилган илк қадам ёхуд биринчи маош олгандаги завқ ҳам қалбимизда бутун умрга муҳрланиб қолади. Ўша пайтда ўзимизга бўлган ишонч икки карра ортиб, қувончдан кенг дунёга сиғмай қоламиз.*

Биринчи марта сайловда иштирок этишнинг ҳаяжони ҳам бир умрга татигулик. Чунки бу воқеа ёшларнинг давлат ва жамият ҳаётига бефарқ эмаслиги, мамлакатнинг эртанги кунини белгилашга хизмат қиладиган вакиллик органлари таркибини сайлашдаги бевосита ва илк иштирокидир. Эътиборлиси, жорий йилги сайловда юртимиз бўйича минг-минглаб ёшлар ана шундай муҳим жараён арафасида турибди. Биз шу мавзуда партиямиз аъзоси бўлган ёшларнинг бир гуруҳи билан суҳбатлашдик.



**Нафиса ИБОДУЛЛАЕВА,**
**Навоий давлат педагогика институти магистранти, Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳибаси, ЎзМТДП аъзоси:**

— Аниқ фанлар ривожи ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда, заминимиздан етишиб чиққан буюк алломалар кўз ўнгимда гавдаланади. Чунки аждодларимиз давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, жаҳон тамаддунининг ривожида ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшишган. Илм-фаннинг деярли барча соҳаларидаги фундаментал асарлар муаллифлиги Ўзбекистон ҳудудидан етишиб чиққан алломалар ҳиссасига тўғри келиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Жумладан, математика фани ривожини буюк бобокалонимиз Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг фаолиятисиз тасаввур этиш қийин. Алломанинг хизматлари бутун дунё илмий жамоатчилиги томонидан муносиб эътироф этилиб, математикада ишлатиладиган “алгоритм” илмий атамаси унинг номини абадийлаштирган бўлса, “алгебра” атамаси қомусий алломамиз асари номидан олинган.

Математика ва астрономия фани ривожида ўзининг беқиёс ҳиссасини қўшган аждодларимиздан бири Абу Райҳон Беруний биринчилардан бўлиб аниқ математик ҳисоб-китобларга асосланиб, ернинг шарсимон эканини исботлаб берди. XI асрнинг дунё табиий фанлар тарихчилари томонидан “Беруний асри” деб номланиши унинг аниқ фанлар ривожига қўшган ҳиссаси нақадар улкан эканидан далолат беради. Темурийзода Мирзо Улуғбекнинг ҳам астрономия, физика ва математика фани ривожига қўшган ҳиссаси ғоятда улуғвор. У XV асрдаёқ 1018 та юлдузнинг ҳолати ва жойлашуви аниқ кўрсатилган астрономик жадвал тузган. Шунинг учун улуғ бобокалонимиз номи Коперник, Жордано Бруно, Галилей сингари дунё таниган олимлар қаторида зикр этилади.

Аниқ фанлар ривожига ҳисса қўшган буюк алломаларимиз қаторини яна узоқ давом эттириш мумкин. Уларнинг илмий мероси, дунёни ўзгартириб юборган кашфиётлари ҳақида узоқ гапирсак арзийди. Яна биз ана шундай олимлар, алломалар, файласуфлар авлоди эканимиздан қанча ғурурлансак шунча оз. Истиқлол бизга ана шундай туйғуни ҳис этишга, бобокалонларимиз илмий меросини ўрганишга имкон берди. Қувонарлиси, замонавий илм-фан жамоатчилиги ҳозир ҳам ўзбек ёшларининг истеъдоди ва иқтидорини муносиб эътироф этиб келмоқда. Ёшларимизнинг халқаро фан олимпиадаларида фахрли ўринларни қўлга киритишаётгани ҳар бир юртдошимиз қалбини фахр-ифтихорга тўлдиради. Кези келганда айтиш жоиз, ўзбекистонлик ёшлар бугунгача математика фанидан Аргентина, Россия, Индонезия каби мамлакатларда бўлиб ўтган халқаро олимпиадаларда муваффақиятли иштирок этишди. Ватанимиз байроғини юқори кўтариб, ҳеч кимдан кам эмасликларини дунё ҳамжамиятига кўп бор исботлаб келишмоқда.

Мен ҳам ана шу фан ривожига оз бўлса-да ҳисса қўшаётганимдан хурсандман. Яқинда педагогика йўналишида давлатимизнинг талаба-ёшлари учун энг нуфузли — Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига лойиқ кўрилганим камтарона меҳнатимга берилган юксак баҳо бўлди. Бу эътироф кучимга-куч ғайратимга-ғайрат қўшмоқда. Ушбу соҳани янада чуқурроқ ўрганиш, буюк аждодларимизга муносиб авлод бўлиш, математика йўналишида илмий фаолиятимни давом эттириш ва докторлик ишини ҳимоя қилишни ният қилганман. Шунинг учун ҳам мен ана шундай саъй-ҳаракатларни, илм-фан ривожи йўлида интилувчан ёшларни қўллаб-қувватлаётган, буюк аждодларимиз қолдирган илмий меросни асраб-авайлаш, ривожлантириш йўлида ҳисса қўшаётган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ғояларини қадрлайман. Бўлажак сайловда партиямиз номзодларига овоз бераман.

**Азамат НОМАНОВ,**
**ЎзМТДП Наманган вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони “Ёшлар қаноти” етакчиси:**



— Ўтган йиллар давомида Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг самараси ўлароқ, навқирон авлоднинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, зарур билим ва малакага эга бўлиши ҳамда ўз манфаатларини эркин рўёбга чиқаришлари учун кенг имкониятлар яратилди. Мазкур тизимли ислоҳотлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Ўрни келганда таъкидлаш жоиз, ЎзМТДП дастурий ҳужжатларида партия ёшларни ўзининг ижтимоий соҳадаги сиёсати марказига қўйиши, уларнинг салоҳиятини Ватанга хизмат қилишга йўналтиришни ўз вазифаси деб билиши белгиланган. Шу маънода партия “Ёшлар қаноти” томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ёшлар ҳаётида муҳим ўрин тутади.

Ўтаётган ҳар бир дақиқа бизни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга ўтказиладиган сайловга яқинлаштирмоқда. Ана шу муҳим сиёсий жараёнда ёшлар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишлари лозим. Боиси, мамлакатимиз аҳолисининг қарийб олтмиш фоиздан ортиғи ёшлардан иборат. Бундан кўриниб турибдики, сайловнинг юқори савияда ўтишида ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга ёш сайловчилар партиялар ва уларнинг номзодлари учун янги ғоялар ва ташаббуслар манбаи ҳисобланади. Улар сайловда иштирок этиш орқали давлат ва жамият бошқарувида бевосита қатнашади, бошқачароқ айтганда, давлат ва жамият билан мулоқотга киришадилар. Сайлов воситасида ёшларнинг хоҳиш-иродаси, ижтимоий кайфияти намоён бўлади. Дарҳақиқат, бугунги кун ёшлари фаол, зийрак ва интилувчан. Улар мамлакатимиздаги ҳар бир сиёсий партия фаолияти билан яқиндан таниш, уларнинг ҳар бирига нисбатан ўз қарашлари бор. Бу уларда партияларнинг сайловлар оралиғидаги фаолиятини ўрганиш ва партиялар фаолиятида бевосита иштирок этиш натижасида шаклланмоқда. Маълумки, ҳар бир сиёсий партия ўз ғоялари, дастурий мақсад-вазифаларини тарғиб-ташвиқ қилиб, сайловда кўпроқ овоз тўплашга ҳаракат қилади. Шу сабабли партия ташкилотимиз томонидан жойларда фуқароларни, айниқса, сайловда илк маротаба иштирок этадиган ёшларни сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги янгиликлардан бохабар этиш, уларнинг муҳим сиёсий жараёндаги иштироки аҳамиятини тушунтиришга қаратилган “Ёшлар ва сайлов”, “Очиқ ва эркин сайлов — демократия асоси: унда ёшларнинг иштироки муҳим аҳамиятга эга”, “Агар мен депутат бўлсам” каби мавзуларда тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бундай тадбирларда навқирон авлоднинг ўз фикр-мулоҳазалари, янги ғоя ва таклифлар билан чиқаётганини кузатиб шунга амин бўляпмизки, ёшлар беш йилда бир маротаба ўтказиладиган сайловни ўзига хос ҳаяжон билан кутишмоқда.

Ўйлаймизки, ўз тақдирини мамлакат тақдирига чамбарчас боғлаган ҳар бир ёш сайловчи сайловда фаол иштирок этади ҳамда ўзи муносиб деб билган номзодга овоз беради.



**Шаҳноза РЎЗИЕВА,**
**ҳунарманд, ЎзМТДП аъзоси:**

— Бундан ўн-ўн беш йиллар олдин қишлоқ жойида цех, маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларини очишни тасаввур ҳам қила олмас эдик. Ўша пайтлар ёши биздан каттароқ опаларимиз битта кўйлак олиш учун туман ёки шаҳар марказига боришига тўғри келарди. Баъзан қишлоғимизга кийим-кечак маҳсулотларини сотиб юрадиган кўчма дўкон келса, қишлоқ аёллари унинг атрофини ўраб олганларини эслайман. Ҳозир эса қишлоқларда ҳам шаҳардан қолишмайдиган шароитлар яратилган. Бугунги кунда юртимизнинг ҳар бир қишлоғида гўзаллик салонлари, маиший хизмат кўрсатиш уйлари ва савдо дўконлари фаолият кўрсатаётир. Бу қишлоқ аҳолисига қатор қулайликлар яратиш билан бирга, қўшимча иш ўринларини ҳам вужудга келтирмоқда. Қувонарлиси, бундай тадбиркорлик субъектларини ташкил этишда ёшлар ҳам фаол иштирок этаётир.

Мамлакатимизда ёш тадбиркорларга яратилган қулай имкониятдан фойдаланиб, мен ҳам 2012 йилда тикув цехини ташкил этган эдим. Цехни ташкил этишда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Бухоро вилоят ҳудудий ташкилоти катта ёрдам кўрсатди. Икки йил аввал биз ўқиётган коллежда ЎзМТДПнинг ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳаси доирасидаги тадбирда соҳага оид қонунчиликка киритилган ўзгартишлар, коллеж битирувчиларига кредит ажратиш тартибининг афзалликлари тўғрисида маълумотлар берилмаганда, ҳали-вери фаолиятимни бошламаган бўлармидим? Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежида бўлиб ўтган ўша учрашувдан сўнг “Микрокредитбанк”нинг Бухоро тумани филиалига ариза билан мурожаат қилдим. Банк менга имтиёзли (йиллик уч фоиз устама тўлаш шарти билан) кредит ажратди. Ушбу маблағ эвазига 3 та тикув машинасини харид қилиб, “Шаҳриноз тикув цехи”ни ташкил қилдим. Ҳозирда цехда буюртма асосида аёллар кийимлари ҳамда тўй ва меҳмонхона пардаларини тикаяпмиз. Тайёрлаётган маҳсулотларимизнинг сифати харидорларга манзур бўлмоқда. Дарвоқе, “Шаҳриноз тикув цехи”да ўзим билан бирга уч нафар чевар ҳам меҳнат қилмоқда. Яна тўрт нафар қизга соҳа сирларини ўргатяпмиз. Келажакда цех фаолиятини кенгайтиришни мақсад қилганман. Бунда мен яна Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси кўмагига суянаман. Чунки ҳунармандлар мазкур партия электоратининг асосий қисмини ташкил этади. Партия “устоз-шогирд” мактаби анъаналарини давом эттириш орқали миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришни мақсад қилган. Шу боис сайловда партиямиз сайловолди дастурини қўллаб-қувватлайман ва унинг номзодларига овоз бераман.

**Дилшодбек КАТТАБЕКОВ,**
**актёр, ЎзМТДП фаоли:**



— Юртбошимиз қарийб ҳар бир анжуман ёки учрашувларда биз ёшларга юксак ишонч билдиради. Бизни доимо юксак марраларни забт этишга чорлайди. Мен ана шундай ишончдан руҳланиб, мамлакатимизда ёшларга яратиб берилаётган шарт-шароит ва имкониятлардан фойдаланиб, камол топаётган Ватанимизнинг бахтли фарзандлариданман, десам муболаға бўлмайди. Ҳозирда Ўзбекистон маданият ва санъат институти қошида ташкил этилган театрда режиссёр сифатида фаолият кўрсатяпман. Фаолиятим халқимизнинг бой маданий мероси, анъаналарини асраб-авайлаш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтириш, эзгулик, юртпарварликни тарғиб қилиш билан бевосита боғлиқ ва бу ЎзМТДПнинг дастурий мақсадлари билан ҳам уйғундир. Қолаверса, партия сайловолди Дастурида театрларда очиқ эшиклар кунларини ташкил этиш, ёшларга Ўзбекистон тарихи ва маданияти тўғрисида маълумотлар берадиган кўргазмаларга уларнинг иштирокини таъминлашга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири экани белгиланган.

Санъат соҳасида фаолият юритаётганимга қарамай, давлат ва жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, юртимизда қабул қилинаётган қонунлар билан танишиб боришга ҳаракат қиламан. Миллий, маданий ва маънавий қадриятларни, бой тарихий меросимиз, халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини асраб-авайлаш ва бойитишга кўмаклашишни бош мақсади деб билган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзоси бўлганим учун унинг тадбирларида мунтазам иштирок этаман. Тадбирларда қатнашиш орқали шунга амин бўляпманки, бугунги ёшлар Ватанимиз, Президентимиз ва халқимиз олдидаги масъулиятни яхши англайдилар.

Бу йил мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим жараён — Парламент ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайлов бўлиб ўтади. Сайловда ёшлар иштирокининг аҳамияти нимада кўринади? Аввало, сайловда қатнашишимиз бизни жамият ҳаётидаги сиёсий жараёнларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчиси эканлигимизни англатади. Сайлов биз каби навқирон авлоднинг эл-юрт тақдирига дахлдор эканлигини англашга, масъулиятни ҳис қиладиган, мустақил шахс сифатида шаклланиш, ўз қарашларимиз, ҳаётий позициямизни илгари суришимизда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, муносиб депутатлар корпусини шакллантиришга ўз ҳиссамизни қўшамиз. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, биз сайлаган депутат қонунлар қабул қилиниши, фуқароларни ўйлантираётган масалаларнинг ижобий ечим топишида муҳим ўрин тутади. Қонунлар эса давлат бошқаруви, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти, қолаверса, аҳоли фаровонлиги йўлида муҳим аҳамиятга эга. Демак, бизнинг овозимиз мамлакатимизнинг эртанги куни учун ҳисса бўлиб қўшилади.

**“Milliy tiklanish” мухбирлари**
**Ҳасан САЛОМОВ, Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади**

⊙ Тараддуд

# Сайлов — халқ хоҳиш-иродасининг олий ифодаси

## унда барчамизнинг фаол иштирокимиз муҳим аҳамиятга эга

***Мустақиллик йилларида демократик ислоҳотларнинг ажралмас таркибий қисми бўлмиш сайлов тизими ҳам босқичма-босқич, изчил ислоҳ қилиниб, бугунги кунда халқимизнинг миллий қадриятларига тўлиқ мос бўлган демократик сайлов тизими яратилди. Таъкидлаш жоизки, бугунги сайлов тизими миллий тажриба билан бирга сайловга оид халқаро стандартлар ҳамда илғор хорижий амалиётни ҳам ўзида мужассам этган.***

Бир сўз билан айтганда, сайлов тизимининг мунтазам такомиллаштирилиб борилиши Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган мамлакатни модернизация қилиш ва барча соҳаларда демократик ўзгаришларни амалга оширишнинг муҳим таркибий қисмидир. Ўзбекистонда яратилган сайлов тизими сайлов жараёнида нафақат сиёсий партияларнинг сайловолди дастурларига баҳо бериш, балки ҳар бир депутатликка номзоднинг салоҳияти ва шахсий хислатларини ҳисобга олиш имкониятини ҳам беради. Ўтган йиллар давомида сайлов жараёнида сиёсий партиялар ўртасида депутатлик ўрни учун кураш олиб бориш, сиёсий мунозараларга киришиш маданияти ҳам шаклланди. Сайловчиларнинг ҳуқуқий онги ва дунёқараши тубдан ўзгарди.

Бугунги кунда мамлакатимизда демократик сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, фуқаролар сайлов ҳуқуқининг кафолатларини янада такомиллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалга оширилиб, унинг мустаҳкам қонунчилик асослари яратилди.

Фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган, уни амалга ошириш тартиб-қоидалари эса сайлов қонунчилигида аниқ белгилаб қўйилган. Ҳар бир фуқаро сайлов кунига қадар ёки сайлов кунида Конституцияда ва сайлов тўғрисидаги қонунларда белгиланган муайян ёшга тўлиши билан давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Умумий сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатидан қатъий назар, ҳеч қандай камситишларсиз рўёбга чиқарилади. Қонунларимизда тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи принципи ҳам ўз аксини топган. Фуқаролар сайловда номзод учун бевосита, яъни тўғридан-тўғри овоз берадилар.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг сайлов жараёнларини очиқ ва ошкора тарзда ўтказиш учун “Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги каби қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатлари орқали мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” давлат ва жамият қурилиши соҳаси, ҳуқуқий тизим, шу жумладан, сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилган Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилингани, аввало, сайлов кампаниясини ўтказишда депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларни тенг шароит ва имкониятлар билан таъминлаш механизмлари самарадорлигини янада оширди. Фуқароларнинг эркин хоҳиш билдириш, сайлов комиссиялари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш, сайлов қонунчилигининг бузилишига йўл қўймасликка оид қоидаларнинг қонунда белгиланган сайлов ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамлади.

Шулар асосида юртимизда очиқ ва ошкоралик тамойилига асосланган сайлов тизими яратилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Марказий сайлов комиссиясига конституциявий мақом берилиши сайлов жараёнига ҳеч кимнинг, авваламбор, марказ ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг аралашишга йўл қўйилмаслигини таъминлашга хизмат қилади. Марказий сайлов комиссиясининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий ташкилотчи экани ҳам муҳимдир. Сайлов кампанияси иштирокчиларининг бирортасига ҳам имтиёз ва преференциялар берилишига йўл қўйилмайди.

Айтиш жоиз, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси кўп йиллар давомида шаклланган демократик қадрият ва кўникмаларни жорий қилиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларини чуқурлаштириш тарафдори сифатида сайловларни ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ажралмас бир қисми деб билади.

Ўтган сайлов хулосалари ҳақида гапирадиган бўлсак, 2009-2010 йилги сайлов жараёнида партиямиз қонунчиликда белгиланган сиёсий партиянинг ваколатли вакили ва депутатликка номзоднинг ишончли вакили институтидан самарали фойдалана олмади. Ҳар бир депутатликка номзод учун ишончли вакиллар сони 5 нафардан 10 нафарга кўпайтирилган бўлишига қарамай, бу имкониятни биз ўз фаолиятимизга тўлақонли жорий этолмадик. Сайловчилар билан учрашувларни ташкил этиш, партиявий тадбирларни ўтказишда ҳам керакли даражада фаоллик кўрсата олмаганимиз ҳам сайловдаги натижаларимизга бирмунча таъсир этди. Албатта, ўтган сайловдан партиямиз тегишли хулосалар чиқариб, бу йилги сайловга тайёргарлик жараёнини анча барвақт бошлаб юборди. Биринчи навбатда, йўл қўйган камчиликларни бартараф этиш юзасидан стратегик дастур ишлаб чиқилиб, уни амалга оширишга жиддий киришилди. Партиявий кадрлар тайёрлаш масаласи устувор йўналиш сифатида белгиланди. Уларни ўқитиш, малакасини ошириш, етук мутахассислар сифатида тарбиялаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, салоҳиятли кадрлар захирасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан биргаликда сафимизни сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксак, интеллектуал салоҳияти юқори, халқ орасида инсоний фазилатлари ва ахлоқий хусусиятлари билан обрў-эътибор қозонган, ташаббускор, кўпчиликни ортидан эргаштира оладиган, масъулиятни чуқур ҳис этадиган, эл-юрт манфаатларини ўз манфаатидан устун қўя оладиган инсонлар ҳисобига кенгайтиришга эришдик ва бу жараён изчил давом этмоқда. Навбатдаги сайлов жараёнида сиёсий технологиялардан унумли фойдаланиш мақсадида партиямизнинг барча бўғинлари, ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чоралари кўрилди. Айниқса, фаолиятимизга замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг илғор ютуқларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Партиямиздан кўрсатилган барча даражадаги депутатликка номзодларнинг сиёсий соҳадаги фаоллигини ошириш, нафақат қонун ижодкорлиги йўналишида, балки амалдаги қонунларнинг жойларда қай даражада ижро этилаётгани, сайловчиларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш борасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимликлар қандай иш олиб бораётганидан доимий равишда хабардор бўлиб бориш, лозим бўлганида, ўз ваколатлари доирасида керакли чора-тадбирлар кўриш масъулиятини кучайтириш масалаларида турли хил ўқув машғулотлари, илмий-амалий семинарлар ва ноанъанавий тадбирлар ўтказилди.

Мухтасар айтганда, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатда сайловлар фақат демократиянинг белгиси ва кўриниши бўлмасдан, унинг зарурий шарти, фуқаролардан сиёсий фаолликни талаб қиладиган асосий жараён ҳисобланади. Эртага қандай қонунлар қабул қилиниши, ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назорати қай даражада қатъият билан олиб борилиши бу, бевосита биз қандай вакилларни депутат этиб сайлашимизга боғлиқ. Ўтган йиллар мобайнида ўтказилган сайловлар, демократик ислоҳотлар халқимиз онгида катта ўзгаришлар ясади. Фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётида юз бераётган ислоҳотлар, демократик жараёнларга нисбатан дахлдорлик туйғуси юксалди. Муҳими, бугун улар кимга, нима учун овоз бераётганларини, уларнинг хоҳиш-иродаси Ватанимизнинг эртанги истиқболи, тараққиёти, фарзандларимиз иқболи, бахту-саодатини белгилашини яхши англайдилар. Бу эса бу йилги сайлов соғлом рақобат руҳида ўтишидан далолат беради.

**Ҳамдам НИЁЗОВ,**
**ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони бош мутахассиси**

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар

| Фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Эгаллаб турган лавозими | Доимий яшаш жойи |
|---|---|---|---|
| **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЎЙИЧА:** | | | |
| **1-Нукус сайлов округи** | | | |
| Шразов Анвар Асаматдинович | 1984 | "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ташкилий-кадрлар, ахборот-таҳлил ҳамда бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўлими мудири | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри |
| **2-Тўрткўл сайлов округи** | | | |
| Ходжиев Данияр Шамуратович | 1971 | Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири | Тошкент шаҳри Миробод тумани |
| **3-Элликқалъа сайлов округи** | | | |
| Бекатова Зумрад Рахимбаевна | 1968 | Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш ишини ташкил қилиш бўлими бош мутахассиси | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри |
| **4-Амударё сайлов округи** | | | |
| Абдижамилов Жолдасбай Зинатдинович | 1984 | "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри |
| **5-Хўжайли сайлов округи** | | | |
| Нурабуллаев Баҳамдулла Хожамбетович | 1973 | Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Ижтимоий ривожланиш ва жамоат бирлашмалари масалалари қўмитасининг раиси | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри |
| **6-Чимбой сайлов округи** | | | |
| Сейтназарова Инжайим Ержановна | 1969 | Қорақалпоқ давлат университети «Қорақалпоқ тилшунослиги» кафедраси доценти | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани |
| **7-Орол сайлов округи** | | | |
| Тлеубергенова Навбахор Абдукаримовна | 1971 | Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали Маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича директори ўринбосари | Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри |
| **8-Ақманғит сайлов округи** | | | |
| Ниязова Жамиля Абдуқадировна | 1958 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани |
| **АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | | |
| **9-Андижон сайлов округи** | | | |
| Рамазанова Замира Абдулазизовна | 1965 | Андижон шаҳридаги 16-умумий ўрта таълим мактаби директори | Андижон вилояти, Андижон шаҳри |
| **10-Олтинкўл сайлов округи** | | | |
| Жумабаев Акмалжон Адилович | 1983 | "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон вилояти Кенгаши раиси | Андижон вилояти, Кўрғонтепа тумани |
| **11-Бўз сайлов округи** | | | |
| Мирзарахимова Холидахон Телмановна | 1960 | Андижон вилоятидаги "Меҳримиз сизга" аёллар ва улар оилаларини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази директори | Андижон вилояти, Андижон шаҳри |
| **12-Шаҳрихон сайлов округи** | | | |
| Узакджанов Адхамжон Мухаматиминович | 1971 | Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Андижон ҳудудий бўлинмаси раҳбарининг ўринбосари | Андижон вилояти, Андижон шаҳри |
| **13-Асака сайлов округи** | | | |
| Нишонова Ёрқиной Саттаровна | 1966 | Андижон миллий ҳунармандчилик ва ижтимоий-иқтисодиёт коллежи директори | Андижон вилояти, Асака тумани |
| **14-Марҳамат сайлов округи** | | | |
| Парпиев Зафар Кабилович | 1976 | "Асакабанк" давлат акциядорлик тижорат банки Андижон вилоят филиали бошқарувчиси | Андижон вилояти, Андижон шаҳри |
| **15-Хўжаобод сайлов округи** | | | |
| Сотволдиева Ирода Мухтаровна | 1968 | Андижон вилояти Булоқбоши тумани ҳокимининг ўринбосари, туман Хотин-қизлар қўмитаси раиси | Андижон вилояти, Хўжаобод тумани |
| **16-Пахтаобод сайлов округи** | | | |
| Валихонова Гулнорахон Комилжоновна | 1975 | Андижон қишлок хўжалик институти "Гуманитар фанлар" кафедраси катта ўқитувчиси | Андижон вилояти, Андижон тумани |
| **17-Кўрғонтепа сайлов округи** | | | |
| Тўхтабаев Абдурашид Турсунович | 1953 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати | Тошкент шаҳри, Миробод тумани |
| **18-Избоскан сайлов округи** | | | |
| Кучкарова Хуршида Вахобовна | 1967 | Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлими раҳбари | Андижон вилояти, Андижон шаҳри |
| **19-Хортум сайлов округи** | | | |
| Юнусова Манзурахон Пазлиддиновна | 1971 | Андижон вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят Хотин-қизлар қўмитаси раиси | Андижон вилояти, Андижон шаҳри |
| **20-Чинобод сайлов округи** | | | |
| Жалилов Авазбек Абдужаминович | 1964 | "Уз-Тонг Хонг Ко" ёпиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонаси Бош директори | Андижон вилояти, Булоқбоши тумани |
| **БУХОРО ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | | |
| **21-Бухоро сайлов округи** | | | |
| Джуманазаров Улуғбек Очилович | 1973 | Бухоро вилояти Статистика бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари | Бухоро вилояти, Когон тумани |
| **22-Когон сайлов округи** | | | |
| Ибрагимова Фируза Баходирхоновна | 1970 | Бухоро давлат тиббиёт институти "Бионеорганик, биоорганик ва биологик химия" кафедраси катта ўқитувчиси | Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри |
| **23-Шоҳруд сайлов округи** | | | |
| Норбоева Умида Тоштемировна | 1973 | Бухоро давлат университети "Биология" кафедраси доценти | Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри |
| **24-Ибн Сино сайлов округи** | | | |
| Жабборов Нуриддин Муҳитдинович | 1979 | Бухоро вилояти Ғазначилик бошқармаси бошлиғи | Бухоро вилояти, Бухоро тумани |
| **25-Варахшо сайлов округи** | | | |
| Ширинов Джахонгир Джабборович | 1982 | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Жамоат, нодавлат нотижорат ва диний ташкилотлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари - бўлим бошлиғи | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани |
| **26-Пайкент сайлов округи** | | | |
| Сабиров Назир Нажметдинович | 1973 | Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи | Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри |
| **27-Жилвон сайлов округи** | | | |
| Равшанов Жаҳонқул Ибрагимович | 1963 | Ўзбекистон Республикаси Давлат тижорат "Халқ банки" Бухоро вилоят филиали бошлиғи | Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри |
| **28-Ғиждувон сайлов округи** | | | |
| Обидова Шарофат Насимовна | 1964 | Ғиждувон тумани ҳокимининг ўринбосари, туман Хотин-қизлар қўмитаси раиси | Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани |
| **ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | | |
| **29-Жиззах сайлов округи** | | | |
| Тугилова Гулноз Илёзовна | 1972 | Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактаби директори | Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани |
| **30-Дўстлик сайлов округи** | | | |
| Илясова Шахида Уталовна | 1966 | Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактаби директори | Жиззах вилояти, Мирзачўл тумани |
| **31-Зарбдор сайлов округи** | | | |
| Қодиров Ғайрат Ўроқбоевич | 1973 | Жиззах давлат педагогика институти факультет декани | Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри |
| **32-Ғаллаорол сайлов округи** | | | |
| Шерманов Эркин Ўралович | 1971 | Жиззах вилояти телерадиокомпанияси директори | Жиззах вилояти, Жиззах тумани |
| **33-Пахтакор сайлов округи** | | | |
| Кадиров Алишер Келдиевич | 1975 | Жиззах вилояти Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи | Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри |
| **НАВОИЙ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | | |
| **34-Навоий сайлов округи** | | | |
| Тожиев Козим Ўктамович | 1984 | "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилоят Кенгаши раиси | Навоий вилояти, Навбаҳор тумани |
| **35-Қизилтепа сайлов округи** | | | |
| Бобомуродова Анора Явқочтиевна | 1960 | Навоий вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят Хотин-қизлар қўмитаси раиси | Навоий вилояти, Навоий шаҳри |
| **36-Зарафшон сайлов округи** | | | |
| Мусаев Ғолибжон Мирзаевич | 1979 | Навоий тоғ-кон металлургия комбинатига қарашли Шимолий кон бошқармаси Очиқ руда ишлаб чиқариш бўлими бош муҳандиси ўринбосари | Навоий вилояти, Учқудуқ тумани |
| **37-Хатирчи сайлов округи** | | | |
| Эгамова Зулайхо Ибрагимовна | 1969 | Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактаби директори | Навоий вилояти, Навбаҳор тумани |
| **38-Нурота сайлов округи** | | | |
| Худоёров Шуҳрат Жумақулович | 1970 | Навоий давлат педагогика институти Ўқув бўлими бошлиғи | Навоий вилояти, Навоий шаҳри |
| **НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | | |
| **39-Дўстлик сайлов округи** | | | |
| Супижонов Кодир Бакижанович | 1963 | Наманган вилояти Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раисининг ўринбосари | Наманган вилояти, Наманган шаҳри |
| **40-Сардоба сайлов округи** | | | |
| Исматиллаев Улуғбек Тохиржанович | 1979 | Наманган вилояти Адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи | Наманган вилояти, Наманган шаҳри |
| **41-Тошбулоқ сайлов округи** | | | |
| Тухтабаев Шухрат Абдулмахмудович | 1979 | Наманган вилояти Адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари | Наманган вилояти, Наманган шаҳри |
| **42-Косонсой сайлов округи** | | | |
| Собиров Хайрулло Исмоилович | 1980 | Андижон вилояти Адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани |
| **43-Поп сайлов округи** | | | |
| Мухторов Нодиржон Илхомжонович | 1982 | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани |
| **44-Тўрақўрғон сайлов округи** | | | |
| Муминов Абдулхай Рашидович | 1968 | Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети "Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари" кафедраси мудири | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани |
| **45-Уйчи сайлов округи** | | | |
| Рахманов Акмал Эргашевич | 1967 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани |
| **46-Учқўрғон сайлов округи** | | | |
| Ганиев Жохонгир Хакимжанович | 1977 | Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти "Ўзбекистон тарихи ва демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти" кафедраси доценти | Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани |
| **47-Чортоқ сайлов округи** | | | |
| Дадабоев Акмалжон Олимжонович | 1976 | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Наманган вилоят Бош бошқармаси бошлиғи | Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани |
| **48-Чуст сайлов округи** | | | |
| Қодирхонов Муродхон Рашидхонович | 1971 | Наманган давлат университети Илмий ишлар бўйича проректори | Наманган вилояти, Наманган шаҳри |
| **49-Янгиқўрғон сайлов округи** | | | |
| Назаров Маматқодир Исматиллаевич | 1965 | Ўзбекистон Миллий университети "Ижтимоий география ва демография" кафедраси мудири | Тошкент шаҳри, Миробод тумани |
| **САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | | |
| **50-Регистон сайлов округи** | | | |
| Ғафурова Марҳаба Низамидиновна | 1971 | Самарқанд шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри |

(Давоми 4-бетда)

# ЎзМТДП номзодларига овоз беринг!

(Давоми. Бошланиши 3-бетда)

| | | | |
|---|---|---|---|
| **51-Сўғдиёна сайлов округи** | | | |
| Шукуров Тимур Донишевич | 1983 | Самарқанд шаҳридаги "Эл холдинг" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари | Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани |
| **52-Булунғур сайлов округи** | | | |
| Тураев Фарход Батирович | 1970 | Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси директори | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани |
| **53-Иштихон сайлов округи** | | | |
| Тугилов Рахим Эргашевич | 1968 | "JV MAN Auto-Uzbekistan" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона бош муҳандиси | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри |
| **54-Каттақўрғон сайлов округи** | | | |
| Тухташев Шерзод Азимович | 1979 | Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани прокурори | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри |
| **55-Қорадарё сайлов округи** | | | |
| Рахимова Феруза Шавкатовна | 1972 | Каттақўрғон шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси | Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри |
| **56-Нарпай сайлов округи** | | | |
| Пардаев Азамат Кенжабоевич | 1973 | Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлинмаси раҳбари | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри |
| **57-Оқдарё сайлов округи** | | | |
| Номозов Сиддик Каххорович | 1972 | Давлат тижорат "Халқ банки"нинг Ички аудит департаменти директори | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри |
| **58-Пастдарғом сайлов округи** | | | |
| Махкамов Наврузжон Тухтамишович | 1981 | "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги республика "Камалак" болалар ташкилоти раиси ўринбосари | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри |
| **59-Пайариқ сайлов округи** | | | |
| Аббасов Субхон Бурхонович | 1961 | Самарқанд давлат университети Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри |
| **60-Самарқанд сайлов округи** | | | |
| Ризаев Фазлиддин Исмоилович | 1974 | "Самарқанд автомобиль заводи" масъулияти чекланган жамияти бош технологи | Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани |
| **61-Тайлоқ сайлов округи** | | | |
| Хамраев Алишер Шоназарович | 1968 | Қашқадарё вилоят хўжалик суди раисининг ўринбосари | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри |
| **62-Ургут сайлов округи** | | | |
| Юлдашев Джазил Сайдуллаевич | 1961 | Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва маҳсулотларни қайта ишлаш факультети декани | Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри |
| **63-Қоратепа сайлов округи** | | | |
| Сулаймонов Нажмиддин Бахриевич | 1975 | Самарқанд вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи | Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани |
| **СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | | |
| **64-Гулистон сайлов округи** | | | |
| Элмуратов Улугбек Султанқулович | 1981 | Сирдарё вилояти Статистика бошқармаси бошлиғи | Сирдарё вилояти, Сирдарё тумани |
| **65-Сайхун сайлов округи** | | | |
| Шарафбаев Жахонгир Комилжанович | 1975 | Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг "Ishonch" газетаси бош муҳаррири вазифасини бажарувчи | Тошкент вилояти, Зангиота тумани |
| **66-Янгиер сайлов округи** | | | |
| Удаева Сайёра Абдурахмоновна | 1962 | Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Сирдарё вилоят бўлими бошқаруви бош мутахассиси | Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри |
| **67-Оқолтин сайлов округи** | | | |
| Кулматов Шерзод Дустмуратович | 1981 | Сирдарё вилояти Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи | Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри |
| **СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | | |
| **68-Шеробод сайлов округи** | | | |
| Менглиев Эшмат Тўраевич | 1960 | Шеробод туманидаги "Хўжаикон туз" масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси | Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани |
| **69-Ангор сайлов округи** | | | |
| Авлиякулов Ашурали Авазович | 1970 | Термиз давлат университети Иқтисодиёт факультети декани вазифасини бажарувчи | Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри |
| **70-Термиз сайлов округи** | | | |
| Эшбоев Абдулхаким Тўлаганович | 1967 | Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиали директори | Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри |
| **71-Жарқўрғон сайлов округи** | | | |
| Сувонов Шахриддин Абдимуротович | 1976 | Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи | Тошкент шаҳри, Олмазор тумани |
| **72-Қумқўрғон сайлов округи** | | | |
| Норлиев Рустам Ибрагимович | 1971 | Термиз давлат университети Тарих факультети декани, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлинмаси раҳбари | Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри |
| **73-Шўрчи сайлов округи** | | | |
| Чориев Икромжон Бўриевич | 1979 | Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "O'zbekiston" телерадиоканали давлат унитар корхонаси директорининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчиси | Тошкент вилояти, Қибрай тумани |
| **74-Денов сайлов округи** | | | |
| Тудаева Мамлакат Суяровна | 1957 | Денов туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича муовини | Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри |
| **75-Сариосиё сайлов округи** | | | |
| Хамдамова Насиба Мирзараимовна | 1971 | Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Сариосиё туман бўлими раиси | Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани |
| **76-Узун сайлов округи** | | | |
| Эшназарова Хурсанд Кайюмовна | 1963 | Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактаби директори | Сурхондарё вилояти, Узун тумани |
| **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | | |
| **77-Ангрен сайлов округи** | | | |
| Тухтаев Улугбек Кидиралиевич | 1974 | Тошкент вилояти Охангарон политехника коллежи директори | Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **78-Бекобод сайлов округи** | | | |
| Арипов Даврон Рахимович | 1974 | Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани |
| **79-Бўка сайлов округи** | | | |
| Каримжонов Фикрат Азизжонович | 1975 | "Тошкент электр тармоқлари" очиқ акциядорлик жамияти директори ўринбосари вазифасини вақтинча бажарувчи | Тошкент вилояти, Зангиота тумани |
| **80-Бўстонлиқ сайлов округи** | | | |
| Саманова Зебо Сойфиддиновна | 1983 | "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти Кенгаши "Фаол ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш" бўлими мудири | Тошкент шаҳри, Сирғали тумани |
| **81-Зангиота сайлов округи** | | | |
| Хашимова Наима Абитовна | 1967 | Тошкент давлат техника университети "Менежмент" кафедраси доценти | Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани |
| **83-Паркент сайлов округи** | | | |
| Юнусов Фазлиддин Фозилович | 1970 | "Ўзнефтгазмаш" акциядорлик компанияси бош директори | Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани |
| **84-Тўйтепа сайлов округи** | | | |
| Урунбаева Шахло Шералиевна | 1967 | Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактаби инглиз тили фани ўқитувчиси | Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани |
| **85-Чиноз сайлов округи** | | | |
| Таджиев Одилжон Патихджонович | 1984 | "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилоят Кенгаши раиси | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани |
| **86-Чирчиқ сайлов округи** | | | |
| Туляков Элдор Собиржонович | 1986 | Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги тадқиқот марказининг бош консультанти | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани |
| **87-Қибрай сайлов округи** | | | |
| Кадирханова Малика Акбаровна | 1967 | Тошкент вилояти Қибрай туманидаги "MEGA IMPORT PLUS" масъулияти чекланган жамият раҳбари | Тошкент шаҳри, Олмазор тумани |
| **88-Янгийўл сайлов округи** | | | |
| Рискулов Алимжон Ахмаджанович | 1962 | Тошкент автомобиль-йўллар институти Илмий ишлар бўйича проректори | Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри |
| **89-Дўстобод сайлов округи** | | | |
| Халходжаев Мухаммадшакир Турарович | 1975 | Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси марказий аппарати лойиҳалаштириш ташкилотлари фаолияти мониторинги бошқармаси бошлиғи | Тошкент вилояти, Қибрай тумани |
| **ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | | |
| **90-Бешариқ сайлов округи** | | | |
| Юнусов Абилхай Мамажонович | 1975 | "Ishonch" ва "Ishonch-Доверие" газеталари Фарғона вилояти мухбири | Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани |
| **91-Данғара сайлов округи** | | | |
| Усмонов Иқболжон Бахтиёрович | 1977 | Фарғона вилояти Данғара тумани ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими бошлиғи | Фарғона вилояти, Данғара тумани |
| **92-Йайпан сайлов округи** | | | |
| Базаров Бахтиёр Турғунович | 1974 | Фарғона шаҳридаги "Евросиёё ТАПО-Диск" ёпиқ акциядорлик жамияти Ўзбекистон-Англия-Швейцария қўшма корхонаси бош директори | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри |
| **93-Қўқон сайлов округи** | | | |
| Омонов Абдулхамид Абдукаххорович | 1985 | Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги ихтисослаштирилган "Адолат" нашриёти давлат корхонаси бош муҳаррири | Тошкент шаҳри, Учтепа тумани |
| **94-Бағдод сайлов округи** | | | |
| Газиев Қобилжон Солижонович | 1966 | Фарғона давлат университети Ўқув ишлари бўйича проректори | Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри |
| **95-Риштон сайлов округи** | | | |
| Умирзаков Акмалжон Ахаталиевич | 1981 | Тошкент давлат юридик университети "Халқаро оммавий ҳуқуқ" кафедраси мудири | Тошкент шаҳри, Сирғали тумани |
| **96-Олтиариқ сайлов округи** | | | |
| Джабборов Умиджон Рахмонович | 1976 | Фарғона вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи | Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани |
| **97-Қўштепа сайлов округи** | | | |
| Мамажонов Жаҳонгир Деҳқонович | 1977 | Фарғона политехника институти Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри |
| **98-Марғилон сайлов округи** | | | |
| Захидов Кобилжон Таирджанович | 1972 | Тошкент ислом университети Ўқув ва илмий ишлар бўйича проректори | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани |
| **99-Фарғона сайлов округи** | | | |
| Рахимов Шерзод Абдухалилович | 1984 | "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилоят Кенгаши раиси | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри |
| **100-Водил сайлов округи** | | | |
| Тошболтаева Дилором Адхамовна | 1959 | Фарғона туманидаги "Шоҳимардон" қишлоқ врачлик пункти мудираси | Фарғона вилояти, Фарғона тумани |
| **101-Тошлоқ сайлов округи** | | | |
| Дармонов Каримберди Шадмонович | 1969 | Ёзёвон туман ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари | Фарғона вилояти, Ёзёвон тумани |
| **102-Кува сайлов округи** | | | |
| Ахмедов Нодиржон Рахматович | 1969 | Масъулияти чекланган жамият "O`zERAE Climate Control" қўшма корхонаси бош директори | Фарғона вилояти, Кува шаҳри |
| **103-Бувайда сайлов округи** | | | |
| Хазратқулов Одилбек Турсунович | 1976 | Тошкент давлат юридик университети "Халқаро тижорат ҳуқуқи" кафедраси доценти | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани |
| **104-Кувасой сайлов округи** | | | |
| Убайдуллаев Мирзохид Муродилович | 1976 | Фарғона вилояти ҳокимлиги Молия бошқармаси бошлиғи | Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри |
| **ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | | |
| **105-Урганч сайлов округи** | | | |
| Тўрабоева Мухаббат Норбоевна | 1975 | "Ишонч" газетасининг Хоразм вилояти бўйича мухбири | Хоразм вилояти, Шовот тумани |
| **106-Боғот сайлов округи** | | | |
| Дўсчанов Умар Эгамбердиевич | 1984 | Урганч давлат университети "Барқарор тараққиёт ва экологик таълим" кафедраси ўқитувчиси | Хоразм вилояти, Хонқа тумани |
| **107-Гурлан сайлов округи** | | | |
| Хажиев Иноят Садуллаевич | 1974 | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи | Хоразм вилояти, Урганч тумани |

(Давоми 5-бетда)

**(Давоми. Бошланиши 3-4-бетларда)**

| | | | |
|---|---|---|---|
| **108-Ҳазорасп сайлов округи** | | | |
| Отамуратов Сарвар Садуллаевич | 1973 | Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раисининг ўринбосари | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани |
| **109-Хонқа сайлов округи** | | | |
| Ражабов Бахтияр Шарифбаевич | 1975 | "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" акциядорлик лизинг компанияси Хоразм вилоят филиали директори | Хоразм вилояти, Урганч тумани |
| **110-Хива сайлов округи** | | | |
| Атоджонов Джумонозор Азодович | 1976 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати | Тошкент шаҳри, Учтепа тумани |
| **111-Шовот сайлов округи** | | | |
| Назаров Шухратжон Джуратович | 1969 | "Urgencgazmach" маъсулияти чекланган жамияти директори | Хоразм вилояти, Хива тумани |
| **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА:** | | | |
| **112-Қарши сайлов округи** | | | |
| Жалилова Дилфуза Каримовна | 1967 | Қарши давлат университети қошидаги 1-сон Академик лицейи директори | Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри |
| **113-Бешкент сайлов округи** | | | |
| Узокова Гулноза Сайдуллаевна | 1966 | Қарши давлат университети "Физика ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси доценти | Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри |
| **114-Қамаши сайлов округи** | | | |
| Хаитов Урал | 1956 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати | Тошкент шаҳри, Мирobod тумани |
| **115-Нишон сайлов округи** | | | |
| Нусуров Усман Нусратович | 1972 | Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлими раиси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Қашқадарё вилоят телерадиокомпанияси директори | Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри |
| **116-Косон сайлов округи** | | | |
| Мустафаев Алишер Сайфуллаевич | 1967 | "Муборакнефтгаз" унитар шўъба корхонаси бош муҳандиси вазифасини вақтинча бажарувчи | Қашқадарё вилояти, Косон тумани |
| **117-Касби сайлов округи** | | | |
| Саидов Акмал Холматович | 1958 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг раиси | Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани |
| **118-Китоб сайлов округи** | | | |
| Махманова Хосият Нормўминовна | 1973 | Қарши давлат университети "Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари" кафедраси мудири | Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани |
| **119-Чироқчи сайлов округи** | | | |
| Эшмаматов Зафар Қабулович | 1979 | Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Қашқадарё вилоят филиали бошқарувчиси | Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани |
| **120-Шаҳрисабз сайлов округи** | | | |
| Аманов Исроил Иброхимович | 1972 | Очиқ акциядорлик тижорат банки "Қишлоқ қурилиш банк" Қашқадарё минтақавий филиали бошқарувчиси | Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри |
| **121-Яккабоғ сайлов округи** | | | |
| Мухаммадиев Улуғбек Насриддинович | 1971 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари - Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг аъзоси | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани |
| **122-Ғузор сайлов округи** | | | |
| Каримов Камолиддин Хакимович | 1981 | "Қашқадарё" ва "Новости Кашкадарьи" газеталари бош муҳаррири | Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани |
| **123-Насаф сайлов округи** | | | |
| Мустофоева Мастура Акрамовна | 1968 | Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туман Тиббиёт бирлашмаси 3-терапия бўлими мудири | Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани |
| **ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА:** | | | |
| **124-Оқтепа сайлов округи** | | | |
| Хусанова Мухтабар Акбаровна | 1983 | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими | Тошкент шаҳри, Учтепа тумани |
| **125-Дархон сайлов округи** | | | |
| Мухитдинов Зикрулла Шукуруллаевич | 1977 | Давлат акциядорлик тижорат банки "Асака-банк" Тошкент шаҳар филиали бошқарувчиси | Тошкент шаҳри, Учтепа тумани |
| **126-Темирйўлчилар сайлов округи** | | | |
| Азамат Зиё Хамид ўғли | 1963 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати | Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани |
| **127-Қорақамиш сайлов округи** | | | |
| Шаюсупова Наргиза Тургуновна | 1969 | Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Меҳнат ва ижтимоий соҳа иқтисодиёти" кафедраси мудири | Тошкент шаҳри, Учтепа тумани |
| **128-Саноат сайлов округи** | | | |
| Имамалиев Шукурилла Гулямович | 1960 | "Ўзсаноатқурилишбанк" акциядорлик тижорат банки Тошкент шаҳар филиали бошлиғи | Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани |
| **129-Дўмбиробод сайлов округи** | | | |
| Нигматова Салиха Патхуллаевна | 1960 | Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги "Иффатли келин" нодавлат таълим муассасаси директори | Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани |
| **130-Бодомзор сайлов округи** | | | |
| Махамадалиева Дилорам Шалатиповна | 1960 | "Умид Гулшани санаторияси" масъулияти чекланган жамияти директори | Тошкент шаҳри, Олмазор тумани |
| **131-Астробод сайлов округи** | | | |
| Абдуллаев Илхом Заирович | 1965 | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари | Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани |
| **132-Тўқимачи сайлов округи** | | | |
| Каримова Умида Лутфуллаевна | 1973 | Тошкент шаҳар Сергели туманидаги "Умид кучи" ижтимоий маркази директори | Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани |
| **133-Кўкча сайлов округи** | | | |
| Алимов Наврузжон Раимджанович | 1977 | Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармаси бошлиғи | Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани |
| **134-Қўйлиқ сайлов округи** | | | |
| Ишанкулова Салима Умаровна | 1957 | Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг раиси | Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани |
| **135-Шайхонтоҳур сайлов округи** | | | |
| Асилова Мухайё Убаевна | 1964 | Вирусология илмий текшириш институти клиникаси бош шифокори | Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани |

**Сайлов — 2014**

# Сиёсий партияларнинг депутатликка номзодлари

**рўйхатга олинди**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар орасида таълим соҳаси вакиллари 26,5, ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари 20,2, иқтисодчилар 20,8, ҳуқуқшунослар 14,2, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари 10,1 фоизни ташкил қилди. Номзодларнинг барчаси олий маълумотли фуқаролар бўлиб, уларнинг 21,7 фоизи фан доктори ёки номзоди илмий даражасига эга, 13,8 фоизи илгари ҳам депутатликка сайланган.

Матбуот анжуманида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуннинг 26-моддасига биноан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш қонунда белгиланган муддатда якунлангани қайд этилди. Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг рўйхати номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, қайси партияга мансублиги, эгаллаб турган лавозими, иш ва яшаш жойи, шунингдек, уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия кўрсатилган ҳолда матбуотда эълон қилинганидан сўнг сайлов жараёнининг муҳим босқичи - сайловолди ташвиқоти бошланиши маълум қилинди.

Мамлакатимизда сайловолди ташвиқотини олиб боришнинг барча шакл ва усулларини қўллаш учун ташкилий-ҳуқуқий механизмлар яратилган. Жумладан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқотини амалга оширишда депутатликка номзодлар, сиёсий партияларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисида"ги низомга биноан депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ва кенг имкониятлар берилади. Шунингдек, депутатликка номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун барча зарур шарт-шароит яратилади. Бу эса, ўз навбатида, сайлов жараёнларининг очиқ, ошкора, холисона ва адолатли олиб борилишига, сиёсий плюрализм асосида соғлом рақобатни таъминлашга хизмат қилади. Сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгартишларга кўра, сиёсий партиялар сайловчилар билан учрашувларни мустақил равишда ўтказади.

Бугунги кунда мамлакатимизда бўлиб ўтадиган парламент сайлови дунё жамоатчилиги эътиборида турибди. Айни пайтда қатор халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг кўплаб вакиллари халқаро кузатувда иштирок этишини тасдиқлади. Бу борада Марказий сайлов комиссияси 5 та халқаро ташкилотга таклифномалар юборган. Бундан ташқари, Марказий сайлов комиссияси сайловни ёритиш учун уч юздан зиёд хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказди.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

**Сарҳисоб**

# Ғояга қарши ғоя билан

**ёхуд халқимизга ёт ва ёш авлод онги учун зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан муҳофазалаш борасидаги ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифалари рўёби таҳлилига назар**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунларидан аҳоли, айниқса, ёш авлодни халқимиз менталитетига ёт бўлган ана шундай маънавий таъсир ва турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш, ёшларга миллий қадриятларимизга мутлақо зид бўлган "оммавий маданият"нинг салбий оқибатларини кенг тушунтириш борасида олиб борилаётган маърифий ишлар уларни урф-одатларимизга, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакат ва халқимиз манфаатларини устувор деб биладиган баркамол авлодни тарбиялаш борасида юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ишда фаол иштирок этиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларни маънавий-ахлоқий таҳдидлар таъсиридан муҳофаза қилишни ўзининг асосий вазифаларидан деб билади.

— Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида "Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда", деб таъкидлаган. Дарҳақиқат, бугунги замон фуқаролар, айниқса, ёш авлодни турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш, ҳамюртларимизда ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини оширишга кўмаклашиш борасида партиямиз олдига аҳамияти жиҳатидан долзарб вазифаларни қўймоқда, - дейди ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, партия фракцияси аъзоси Арслон Эшмуродов. — Шу боис партиямизнинг барча даражадаги ташкилотларида ўтказилаётган тадбирларимиз моҳияти мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, баркамол авлодни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, маънавий-ахлоқий таҳдидлардан ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаоллигини таъминлашга қаратилди. "Вояга етмаганларнинг маънавий-ахлоқий, жисмоний ва психологик ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлардан ҳимоя қилишнинг долзарб вазифалари", "Глобаллашув ва ёшлар", "Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ЎзМТДП "Ёшлар қаноти"нинг иштироки" мавзусидаги тадбир ва давра суҳбатлари шулар жумласига киради.

Бу борадаги саъй-ҳаракатларда ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари аъзолари ҳам фаоллик кўрсатишди. Жумладан, қатор партия гуруҳлари томонидан ёшларни миллий ҳунармандчиликка жалб қилиш, касб-ҳунарга йўналтириш, улар бандлигини ҳамда маҳалла ва оилада маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масалалари халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессиялари кун тартибига киритилиб, қарор қабул қилинишига эришилди.

— ЎзМТДПнинг асосий мақсад-вазифаларидан саналган юксак маънавиятли, кенг дунёқараш ва билимга эга ёшларни вояга етказиш масаласи парламентдаги фракциямиз доимий диққат-эътиборида - дейди фракция аъзоси Олим Ўсаров. — Боиси бугунги глобаллашув жараёнида маънавий таҳдид ва ёшлар онгини эгаллашга қаратилган ахборот хуружлари кун сайин авж олмоқда. Бундай хуружларнинг ёлғон ахборот тарқатиш, ижтимоий онгни манипуляция қилиш, миллий-маънавий қадриятларни емириш, халқимиз менталитетига мутлақо ёт бўлган маънавий таъсир ва турли таҳдидларни тарғиб этиш, халқнинг тарихий хотираси ва умумбашарий қадриятларни бузиб кўрсатиш каби турлари кенг тарқалмоқда. Бугунги тезкор даврда одамларнинг ахборот алмашувга бўлган талаб ва эҳтиёжи ортиб бормоқда. Ўзбекистонда ҳам интернетдан фойдаланувчилар сони 10 миллиондан ошиб кетди. Уларнинг аксарияти ёшлар эканини инобатга олсак, бу ҳолат барчамизни янада огоҳ ва сергак бўлишга ундайди. Шу нуқтаи назардан фракциямиз томонидан ёшлар масаласига қаратилаётган эътибор бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Юртбошимиз томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"нинг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишидаги вазифаларини изчил амалга ошириш борасида ўтган давр мобайнида вояга етмаганларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, уларни маънавий-ахлоқий характерга эга бўлган хавф-хатарларнинг салбий таъсирларидан муҳофаза қилиш, ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Миллий маданият ва маънавиятимиз илдизига болта урувчи турли маънавий хуружлар барчамизни ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашга ундамоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам аҳоли маънавиятини юксалтириш, ёшларни турли ёт ғоялар таъсиридан асраш борасида юртимизда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар марказида бўлишга интилмоқда. Партиянинг янги таҳрирдаги сайловолди Платформасида бу масаланинг янада мустаҳкам жой олганини ҳам алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Сайловолди Платформасининг ҳаётга татбиқ этилиши партия атрофида юрт тақдири учун бефарқ бўлмаган, фидойи, ташаббускор ёшларнинг жам бўлишида муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

***Дониёрбек ЭРКИНЖОНОВ,***
***ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси:***



— Миллий тикланиш ғоясини ёшлар онгига сингдириш ва тарғиб қилиш, мамлакатимиз миллий манфаатлари, бой ва бебаҳо қадриятларимизни асраб-авайлаш, навқирон авлод маънавиятини юксалтириш ва уларни турли зарарли одатлардан ҳимоя қилишда бошланғич партия ташкилотлари томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар муҳим аҳамиятга эга. Қуйи ташкилотларда ташкил этилаётган "Ёшлар — оммавий маданиятга қарши", "Юксак маънавиятли оила орқали — юксак тараққиёт сари", "Глобаллашув жараёнида "оммавий маданият"нинг миллий қадриятларимиз ва ёшлар онгига салбий таъсири" мавзуларидаги тарғибот тадбирлари бу борада яхши самара берди. Шунингдек, Бухорода Тарих музейи, Наманганда Миллий музейни ташкил этиш ташаббуси ҳам қуйи бўғин фаоллари бўлган маслакдошларимиз томонидан илгари сурилди. Мазкур музейларнинг ишга тушиши ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, уларда бой тарихимиз, маънавий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат туйғусини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

***Рухшона ХУДОЁРОВА,***
***ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси:***



— Ёш авлод учун ташкил этилаётган фестиваль, учрашув, давра суҳбатлари ва бошқа маънавий-маърифий тадбирлар уларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий жараёнларга муносабатларини шакллантириш, миллий қадрият ва урф-одатларимизга ҳурмат ва эътиборини кучайтириш, дунёқарашини кенгайтиришга кўмаклашмоқда. Бу борада партиямизнинг "Ёшлар қаноти" фаоллари зиммасидаги масъулиятни алоҳида таъкидлаш жоиз. ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" ўз фаолияти давомида бу борада кўплаб тарғибот тадбирлари, анжуман ва акциялар ташкил этиб, фаол ва ташаббускор, ватанпарвар ёшларни ўз атрофига бирлаштира олди. Мисол учун 2011 йилдан буён ўтказиб келинаётган "Озод юртнинг обод гўшаси" акцияси доирасида "Ситораи Мохи-Хосса", "Ҳазрати Лангар ота", "Тўққалъа", "Нурота", "Хайробод Эшон" каби юртимиздаги 260 га яқин тарихий-маданий ёдгорликлар, обидалар, муқаддас зиёратгоҳлар ва қадамжолар "Ёшлар қаноти"нинг 19 мингга яқин фаол аъзолари томонидан обод қилинди. Бундай тадбирлар ёшларда миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат ҳиссини кучайтириш, уларни бағрикенглик руҳида тарбиялаш, йигит-қизлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Жараён

# Ишончли вакиллар

## сайловчининг номзодга нисбатан ишончини оширишга кўмаклашади

*Мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов куни тобора яқинлашмоқда. Айни пайтда сиёсий партиялар ва улардан кўрсатилган барча даражадаги депутатликка номзодлар учун муҳим палла — сайловолди ташвиқоти бошланди.*

Сайлов кампанияси ушбу босқичининг муҳимлиги шундаки, айнан сайловолди ташвиқоти даврида сайловчиларни депутатликка номзод ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундовчи бевосита фаолият олиб борилади, номзодларнинг шахси ва профессионал хусусиятлари ҳамда сиёсий партияларнинг дастурлари кенг тарғиб-ташвиқ қилинади.

Сайлов кампаниясининг ана шу палласи депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар учун сайловчилар ишончини қозонишнинг, сайловда самарали натижаларга эришишнинг энг муҳим босқичидир. Шу боис, бу даврдан қонун билан мустаҳкамланган усул ва воситаларни ишга солган ҳолда янада унумли фойдаланиш, бор куч-имкониятларни сафарбар этиш зарур бўлади. Зеро, бугунги сайловчининг дунёқараши, сиёсий-ҳуқуқий билими ва маданияти юксак, сиёсий партиялар илгари сураётган мақсад-ғоялар, уларнинг амалий ишлари билан яқиндан таниш, уларни таги пуч ваъдалар, баландпарвоз гаплар билан эргаштириб бўлмайди.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида сайловолди ташвиқотининг тартиб-қоидалари, турлари, шакллари, усуллари ҳамда мазкур даврда сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларга бир хил шароит ва имкониятлар яратилиши мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, депутатликка номзод сайловолди ташвиқотлари юритиш жараёнида ишончли вакил институтидан фойдаланиш ҳуқуқига ҳам эга.

Мазкур ҳуқуқдан унумли ва самарали фойдаланиш номзоднинг муваффақият қозониши учун хизмат қилади. Чунки ишончли вакилларнинг вазифаси номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритиш, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек, сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

—Сўнги йилларда сайлов қонунчилигига киритилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар сиёсий партиялар ҳамда депутатликка номзодлар ҳуқуқ ва имкониятларини янада кенгайтирди, - дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Раҳмонов. — Хусусан, 2008 йилда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга биноан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафарга кўпайтирилди. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзод эса уч нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ишончли вакиллари кимлардан иборат бўлишини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади. Ишончли вакил сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзод ишончли вакил тайинлаш ҳақида ва фуқаро номзодга ишончли вакил бўлишга розилиги ҳақида ёзма ариза берганидан кейин уч кундан сўнг рўйхатга олинади ва уларнинг ҳар бирига алоҳида гувоҳнома берилади. Бу гувоҳномалар ёрдамида ишончли вакиллар сайловолди ташвиқоти жараёнида корхона, ташкилот ва идораларга, жамоалар тўпланган жойларга бориб, номзоднинг анкета маълумотлари, сайловгача ишлаган жойлари, касбу кори ва номзод депутатликка сайланса, қонун нуқтаи назаридан бажариши мумкин бўлган ишлар тўғрисида ахборот беради. Ишончли вакилнинг ваколати уларнинг сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кунидан бошлаб депутатликка номзоднинг ўз ваколати тугаши билан тўхтатилади, - дейди суҳбатдошимиз.

Дарҳақиқат, номзоднинг айнан сайловолди ташвиқотлари юритиш жараёнида ишончли вакилларга эга бўлиши унинг имкониятларини кенгайтиради. Жорий йилда бўлиб ўтадиган сайловда депутатликка номзодлар рўйхатга олинган 135 та сайлов округининг ҳар бирида ўртача бир юз эллик тўрт минг атрофида сайловчи иштирок этиши кутилмоқда. Номзод эса уларнинг ҳар бири билан алоҳида учрашишга вақти ҳам, имконияти ҳам етарли бўлмайди. Мана шу бўшлиқни айнан ишончли вакиллар тўлдириб, номзод ҳақидаги маълумотларни сайловчиларга кўпроқ етказишга ёрдам беради. Шу ўринда эътироф этиш жоизки, ишончли вакилларнинг ким ва қандай шахс эканлиги ҳам муҳим ўрин тутади. Депутатликка номзод ишончли вакилларини танлаётган вақтида уларни ўзи сайланаётган сайлов округи жойлашган туман, шаҳар ва қишлоқларда тутган ўрни, обрў-эътибори, номзодни ёқлаб овоз берадиган сайловчиларни ўз тарафига оғдира оладиган, кўпчиликни биладиган ва ҳаракатчан инсонлар танланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Ана шундай ишончли вакил номзоднинг муваффақиятга эришишига амалий ёрдам бериши мумкин.

Номзод округ сайлов комиссиясига маълум қилган ҳолда сайловга қадар ўз ишончли вакилини истаган вақтда ваколатидан маҳрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин. Бундай чоралар одатда ишончли вакил ўз вазифасини бажармаган ёки сайловда номзод учун овоз берувчи сайловчиларни эргаштира олмаган тақдирда ва бошқа вазиятларда қўлланилиши мумкин. Шу жумладан, ишончли вакил ҳам ўзи истаган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли.

Сайловолди ташвиқоти даврида депутатликка номзод ёки унинг ишончли вакиллари бошқа депутатликка номзодлар ёки уларнинг ишончли вакиллари билан биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга ёхуд бошқа депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда ҳам иштирок этишга ҳақли. Шунингдек, ҳаққонийлик ва холислик нуқтаи назаридан ишончли вакил сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас. Чунки ишончли вакилнинг сайлов комиссиясига аъзо бўлиши бошқа сиёсий партиялардан депутатликка номзодлари кўрсатилган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига олиб келиши мумкин.

Шу ўринда эътироф этиш жоиз, партиямизнинг яқинда бўлиб ўтган III съездида ЎзМТДПнинг сайловга тайёргарлик масалалари кенг муҳокама этилди. Жорий йилги сайловда муносиб иштирок этиш ва самарали натижаларга эришишнинг муҳим омилларига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди. Партиямизнинг барча даражадаги депутатликка номзодлари миллий қонунчилигимиз билан мустаҳкамланган ҳақ-ҳуқуқларидан, имкониятларидан унумли фойдаланиши, бу борада партия ташкилотлари ҳам масъулият билан ёндашиши зарурлиги қайд этилди. Съездда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар тасдиқланди ва уларнинг рўйхати Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилди. Эндиликда партиямиз номзодлари сайловолди ташвиқоти даврида барча имкониятлардан, жумладан, оммавий ахборот воситалари ҳамда ишончли вакил институтидан оқилона фойдаланишлари лозим бўлади. Бу борада партия ташкилотлари номзодлар билан алоҳида иш олиб боришмоқда. Уларга ишончли вакил сифатида маҳалла-кўйда ҳурмат-эътиборли, обрўли, жамиятда ўз ўрнини топган ва нотиқлик маҳоратига эга бўлган шахсларни танлаш лозимлиги борасида тушунчалар берилаётир.

Мухтасар айтганда, миллий қонунчилигимизда сайлов кампаниясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган сайловолди ташвиқотини ўтказиш билан боғлиқ шарт-шароит ва имкониятлар мустаҳкамлаб қўйилган. Бу, ўз навбатида, номзодлар ва сиёсий партияларга ўз фаолият дастурларини кенг тарғиб қилиш имконини беради ҳамда сайловчилар муносиб деб ҳисоблаган номзодлар учун овоз беришига хизмат қилади. Сайловда ғалабага эришишнинг муҳим шарти — сайловчилар ишончини қозонишдир. Ана шу ишончни мустаҳкамлаш, энг аввало, номзоднинг саъй-ҳаракатига боғлиқ бўлса, яна бир томондан ишончли вакиллар зиммасидаги муҳим вазифадир.

*Ишончли вакил институтининг тарихи Қадимги Римдан бошланади. Ўша давр амалдорлари номидан иш кўрувчи, уларнинг сир-асрорларини яхши сақлай билган, улар манфаатини ҳимоя қилишга қодир кишиларгина ушбу вазифага лойиқ топилган. Бироқ, улар фақат эркаклар орасидан танлаб олинган. Ишончли вакил сўзи "сирли шахс" маъносини англатиши бежиз эмас. Француз тилидан олинган "secretaire" сўзи ҳам "сирли" деган маънони англатади. Кейинчалик маош тўланадиган ёрдамчи котиб лавозими ҳам шундан келиб чиққан, деган фикрлар мавжуд.*

**М.КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Депутат минбари



*ЎзА олган сурат.*

# Миллий ҳунармандчилик ривожи

## ЎзМТДП эътиборида

*Мамлакатимизда халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тарихи узоқ йилларга бориб тақаладиган, аждодлардан мерос бу бебаҳо қадриятлар бугунги кунда халқимиз турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган. Миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришга эътибор самарасида юртимизда бу соҳа ҳам изчил тараққий этмоқда. Республика "Ҳунарманд" уюшмаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилгани қадриятларимиз давомчиларининг эркин фаолият юритиши учун янада кенг имконият ва шарт-шароитлар яратишга замин бўлаётир.*

Халқимизнинг бой ва бетакрор маданий, маънавий, миллий анъаналарини асраб-авайлашга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам мазкур жараёнда муносиб иштирок этишга интилмоқда. Зеро, партия сайловолди Платформасида белгиланганидек, ҳунармандчилик турларини рағбатлантириш, қайта тиклаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш устувор вазифаларимиздан. Ўтган давр мобайнида мазкур йўналишда партия ташкилотлари ва гуруҳлари томонидан кўплаб саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Халқ депутатлари Иштихон туман Кенгашидаги партия гуруҳимиз ҳам бу борадаги партиявий мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳудудда ҳунармандчилик фаолиятини янада ривожлантириш масаласини туман Кенгаши сессиясига ташаббус сифатида киритди. Мазкур ташаббус-масала атрофлича ўрганилиб, қарор қабул қилинди, тегишли ташкилот ва мутасаддилар зиммасига аниқ вазифалар юклатилди.

Президентимиз раҳнамолигида миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, яратилаётган кенг имконият ва имтиёзлар соҳа ривожида муҳим омил бўлаётир. Бугунги кунда туманимизда бутун оиласи билан ота-боболаримиз, момоларимиз касб-корини, ҳунарини муносиб давом эттираётган ҳунармандлар, касаначилар кўпчиликни ташкил этади. Ҳудудимизда касаначилик, тўқимачилик, тикувчилик, каштачилик, уста-дурадгорлик, нақш-ўймакорлик каби миллий ҳунармандчилик турлари кенг тарқалган. Кўплаб хотин-қизлар ўзларининг ташаббуси билан кичик тикувчилик цехларини ишга тушириб, фаолият олиб боришмоқда. Мазкур фаолият орқали турли кийим-кечаклар, замонавий кўринишдаги пардалар тайёрланиб, бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида кўплаб хотин-қизларнинг ҳунарли бўлишига кўмаклашилмоқда. Партия гуруҳимизнинг сессияга киритган ташаббуси тумандаги ана шундай меҳнаткаш ва фаол ҳунармандларни рағбатлантириш, уларга кенг имкониятлар яратишга кўмаклашиши билан аҳамиятлидир.

Партия туман Кенгаши ва гуруҳимиз "Ҳунарманд" уюшмаси туман бўлими билан ҳамкорликда қатор тадбир ва давра суҳбатлари ташкил этаётир. "Миллий ҳунармандчилик — миллий қадрият сифатида", "Миллий ҳунармандчиликнинг бандлик муаммосини ҳал қилишдаги ўрни", "Маҳаллаларда касаначилик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг долзарб вазифалари", "Оилавий тадбиркорлик — фаровон турмуш гарови", "Ёшлар миллий анъаналаримиз давомчиси", "Оилавий муносабатларда миллий урф-одат ва анъаналарнинг ўрни" каби мавзулардаги тадбирларда партия фаоллари, уста-ҳунармандлар, аёллар ва ёшлар иштирок этишди. Халқ ҳунармандчилигининг ноёб турлари, мактаблари ҳақида иштирокчиларга кенг маълумотлар берилди, хотин-қизларнинг ҳунармандчилик ва касаначилик фаолиятларини кенгайтириш, коллеж битирувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш, уларни ота-боболаримиздан мерос қадриятлар, миллий ҳунармандчиликка нисбатан ҳурмат-эътибор руҳида тарбиялаш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, уста-ҳунармандлар иштирокида кўргазмалар ташкил қилиниб келинаётганлиги ёшларимизда ушбу соҳага бўлган қизиқиш ва интилишни рағбатлантириши билан эътибор қозонмоқда

Халқимизнинг ҳунармандчилик борасидаги меросини чуқур ўрганиш ва бой маданиятимизни улғайиб келаётган авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Бу борада партия гуруҳимизнинг ўтган давр мобайнида амалга оширган ишлари туманда ҳунармандчилик билан шуғулланаётган электоратимиз вакилларининг фаолиятини янада ривожлантириш ҳамда миллий қадриятларимиз, ҳунармандчилик сир-асрорлари тарғиботида муҳим аҳамият касб этади.

**Али МУҲАММАДИЕВ,**
**халқ депутатлари Иштихон туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат**

Сайловдан сайловгача

# Маҳаллий вакиллик органларидаги депутатларимиз

## ўтган давр мобайнида қандай фаолият кўрсатди?

*Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг III съездида ўтган беш йил давомида партиянинг барча йўналишлардаги фаолияти, амалга оширган ишлари танқидий-таҳлилий жиҳатдан кўриб чиқилди. Эришилган ютуқлар, йўл қўйилган камчиликлар атрофлича муҳокама этилиб, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг умумий фаолияти, амалга оширган ишлари ҳам таҳлил қилиниб, бу борадаги қатор кўрсаткичлар эътироф этилди.*

Таъкидлаш жоиз, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутат шу ҳудудда истиқомат қиладиган, аҳоли кайфияти, турмуш тарзи, муаммо ва камчиликларидан хабардор шахс ҳисобланади. Қолаверса, ҳудуд муҳити билан ҳам бевосита таниш, бу ерга тегишли масалалардан бохабар бўлади. Ана шу жиҳатдан ҳам маҳаллий Кенгаш депутатларига халққа яқин, ҳамнафас вакил сифатида қаралади, катта ишонч билдирилади, ҳудудий масалаларни ҳал этишда уларнинг имконият ва ваколатларига таянилади. Кўп сонли сайловчининг юксак ишончи эвазига маҳаллий вакиллик органига сайланган шахс беш йил муддат давомидаги изчил фаолияти, амалий саъй-ҳаракатлари билан эътибор қозонади, яхши маънода эл оғзига тушади. Бу эса одамларда депутатга, у сайланган партияга бўлган ишончни янада оширади, мустаҳкамлайди.

Бугун давр олдимизга қўяётган янги вазифалар нуқтаи назаридан партия фаолиятини янада кучайтириш, сиёсий куч сифатида жамиятимизда мустаҳкам ўринга эга бўлиш учун партия қурилишини замон талабларига мослаштириш ва депутатлик бирлашмаларининг ишларини жонлантириш, улар фаолиятини ташкил қилишнинг янада самарали усулларини топиш зарурати сезилмоқда. Мазкур вазифалардан келиб чиқиб Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўтган давр мобайнида депутатлик бирлашмалари фаолиятини тубдан кучайтиришга алоҳида эътибор қаратди. ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифалари ҳамда электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари олдига бир қатор вазифалар қўйилди. Жумладан, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан сессия кун тартибига киритилиши мумкин бўлган масалалар Концепцияси" ишлаб чиқилди. Унга кўра, "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида"ги, "Ҳудудда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш тўғрисида"ги, "Ҳудудда туризмни ривожлантириш тўғрисида"ги, "Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари ҳақида"ги, "Маданий мерос объектларининг муҳофаза этилиши ва улардан фойдаланишнинг аҳволи тўғрисида"ги масалаларнинг ҳудудлардаги аҳволини ўрганиш ва маҳаллий Кенгашлар сессияси кун тартибига ташаббус-масала сифатида олиб чиқиш тавсия қилинди. Ушбу вазифаларнинг қай даражада амалга оширилганлиги депутатларнинг беш йиллик фаолияти сарҳисоби жараёнида намоён бўлади.

Қайд этиш лозим, 2009 йилги сайловда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига партиямиздан мингга яқин депутат сайланди. Улар томонидан 2010-2014-йиллар мобайнида электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, партия дастурий вазифаларини амалга ошириш мақсадида муайян саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Хусусан, юқоридаги концепцияда белгиланган ва бошқа қатор масалаларга оид жами 364 та ташаббус маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига киритилиб, қарор қабул қилинишига эришилди. Масалан, халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи ташаббуси билан "Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2012 йил 27 декабрдаги "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларидан келиб чиқиб, вилоятда туризм ва сервисни ривожлантириш, бу соҳада юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлиги тўғрисида"ги қарори ижроси ҳақида"ги масала вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига олиб чиқилди. Бундан ташқари, халқ депутатлари Бухоро вилоят ва шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари ташаббуси билан "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талабларидан келиб чиқиб, вилоятда бу соҳада юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш борасида олиб борилаётган ишларнинг назорати тўғрисида"ги масала вилоят ва шаҳар Кенгаши сессиясига, халқ депутатлари Вобкент туман Кенгашидаги партия гуруҳи ташаббуси билан туманда тарих музейини ташкил этиш масаласи туман Кенгаши сессиясига киритилди. Ҳудудда миллий ҳунармандчилик турларини ривожлантириш ва уста-ҳунармандларга кенг шароитлар яратиш борасидаги масалалар кўплаб партия гуруҳлари ташаббуси билан тегишли вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларига олиб чиқилди. Мазкур ташаббус-масалалар кенг муҳокама этилиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилинди, тегишли мутасаддилар зиммасига муайян вазифалар юклатилди. Партия гуруҳларимизнинг бу каби саъй-ҳаракатлари уларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги масалаларни ҳал қилишдаги иштироки кенгаяётганидан далолатдир.

Бундан ташқари, фуқаролар мурожаатлари асосида тегишли ташкилот ва корхоналарга, мансабдор шахсларга 4300 та депутатлик сўрови юборилган. Мазкур сўровларда ҳудудларни ободонлаштириш, тарихий мажмуалар сақланишига зарар етказаётган айрим ҳолатларнинг олдини олиш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлаш, партия электорати бўлган уста-ҳунармандлар, оилавий тадбиркорлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолияти учун шарт-шароит ва имкониятларни кенгайтириш каби масалалар ўз аксини топган. Шунингдек, партия электорати манфаатларига доир 850 та таклиф доимий комиссиялар йиғилишларига олиб чиқилиб, муҳокама қилинди.

Депутатлар қонун ва қарорлар, Давлат дастурларининг жойлардаги ижроси устидан назоратни амалга оширишлари, партия ижтимоий қатлами манфаатларидан келиб чиқиб, қолаверса, жойлардаги муаммолар, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан ҳокимликлар олдига аниқ таклифлар ва масалаларни қўйишлари лозим. Бу борада партия гуруҳлари ташаббуси билан 689 нафар мансабдор шахснинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари бўйича ҳисоботи тинглангани эътиборга молик. Мазкур эшитувларда таълим, маданият, спорт, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларга оид масъул мутасаддиларнинг фаолияти, амалга оширган ишлари муҳокама этилиб, уларга муайян вазифалар топширилди, таклифлар берилди. Бу саъй-ҳаракатлар депутатларимизнинг назорат қилиш ваколатларининг амалдаги ифодаси сифатида намоён бўлади.

— Маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимизнинг ўтган давр мобайнидаги фаолиятини сарҳисоб қиладиган бўлсак, уларнинг саъй-ҳаракати билан электорат манфаатларига оид қатор амалий ишлар қилинганига, ЎзМТДП дастурий вазифалари ижроси таъминланганига гувоҳ бўламиз, - дейди партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси Беҳзод Содиқов. — Бу борада сўнгги йилларда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари билан ҳудудий партия ташкилотлари ўртасидаги ўзаро алоқа ва ҳамкорликни янада кучайтириш ҳамда мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилгани ҳам муҳим аҳамият касб этди. Ўз зиммасидаги вазифаларни амалга оширишга фаоллик билан ёндашган қатор вилоят ва туман Кенгашларидаги партия гуруҳларимизни алоҳида эътироф этиш жоиз. Жумладан, сессиялар кун тартибига олиб чиқилган ташаббус-масалалар бўйича вилоятлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак, бу борада халқ депутатлари Навоий, Андижон, Фарғона, Жиззах вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашларидаги, туман-шаҳарлар кесимида эса халқ депутатлари Навбаҳор, Шаҳрихон, Қумқўрғон, Қўнғирот туманлари ҳамда Андижон, Жиззах, Бухоро шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳларимизнинг самарали фаолият юритгани кўзга ташланади. Депутатларимиз фаолиятида ижобий натижалар билан бирга айрим камчиликлар ҳам йўқ эмас.

Мамлакатимизда кечаётган демократик ислоҳотлар сиёсий партиялар, уларнинг маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳлари учун катта имкониятлар бермоқда. Депутатларнинг ушбу ваколатлардан ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлиги йўлида қай даражада фойдалангани, ўз навбатида, жорий йилги сайлов натижаларида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу борада депутатларнинг умумий кўрсаткичлари йилдан йилга ижобий томонга ўзгариб борганини, улар сайловдан сайловгача бўлган даврда жамият ҳаётида фаол иштирок этишга интилганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

**Муҳтарама РАМАЗОНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

⊙ Бизнинг шарҳ

# Хатарли йўл

**гиёҳвандликка қарши кураш дунё миқёсида долзарб масалага айланганига қарамай, “захри қотил”ни етиштириш тобора кўпаймокда**





***Маълумотларга кўра, ҳар йили қарийб 200 минг одам гиёҳвандлик туфайли ҳаётдан кўз юммоқда, 500 миллионга яқин киши ушбу касалликка йўлиққан. Содир этилаётган жиноятларнинг 57 фоизи гиёҳвандлар ҳиссасига тўғри келаётгани ҳам ташвишланарли ҳол. Ўз умрига зомин бўлиш билан бирга, улар қариндошлари ва яқинларининг ҳаётини ҳам барбод этиб, жамиятга катта зарар етказади. Аксарият ҳолларда гиёҳвандлар юқумли касалликлар тарқалишининг сабабчиси бўлиб, ушбу оғу таъсирида турли жиноятларга қўл уради.***

Айрим маълумотларга кўра, дунё миқёсида йилига 3 минг 700 тонна наркотик, шу жумладан, героин истеъмол қилинмокда. Жаҳонда етиштирилаётган наркотик моддаларнинг 80 фоизи айнан Афғонистон ҳиссасига тўғри келади. БМТ тарқатган хабарларга қараганда, 2014 йилда бу ўлкада минглаб гектар майдонда кўкнори етиштирилиб, ундан 6,4 минг тонна қора дори ҳосили етиштирилиши тахмин қилинмокда. Афғон ҳукумати якка ҳолда наркотик модда ишлаб чиқариш муаммосини ҳал этиши қийинлиги, бу борада нафақат жаҳон ҳамжамияти, балки мамлакат фуқароларининг ҳам ёрдами зарур эканини билдирган.

БМТнинг Жиноятчилик ва наркотик моддаларга қарши курашиш агентлиги тарқатган хабарларга кўра, айни пайтда, Афғонистонда бир килограмм героин ўртача 2 минг 300 доллар атрофида баҳоланмокда. Хорижга “экспорт” қилинадиган героин табиийки, янада қимматлашади. Океан ортида бир килограмм героин 6-6,5 минг АҚШ долларига пулланмокда. Россияда бу кўрсаткич янада баландроқ. Наркотик модда савдоси билан шуғулланувчилар мўмай даромад олиш мақсадида героин аралашмасидан ҳам фойдаланмокда. Бу эса унинг нархини анча арзонлаштиради.

БМТ вакилларининг фикрича, бу йил Афғонистонда ўтган йилгига нисбатан ўртача 9 фоиз кўп ҳосил етиштирилган. Мазкур давлат раҳбари ўз лавозимини бажаришга киришиши биланоқ наркомафияга қарши кураш режасини кун тартибига қўйди. Афғонистонда етиштирилаётган наркотик модда сотувидан тушган даромад ялпи ички маҳсулотнинг тўрт фоизи, яъни 850 миллион долларни ташкил этаётир. 2001 йилдан буён мамлакатда аксилтеррорчилик амалиётларини ўтказаётган АҚШ ҳукумати бу ўлкада наркотик модда ишлаб чиқаришга қарши 7,6 миллиард доллар миқдорида маблағ сарфлаган.

Тожикистон билан чегарадош Бадахшон вилоятида кўкнори экиладиган майдонлар кенгайиши билан бирга, нарколабораториялар сони ҳам кўпайган. Россия наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишини назорат қилиш федерал хизмати раҳбарининг таъкидлашича, гиёҳванд моддалар жангариларга мисли кўрилмаган даражада даромад келтириши билан бирга, қурол-яроғ сотиб олиш манбаига ҳам айланган.

АҚШ Давлат департаменти маълумотида таъкидланишича, афғон героинининг чорак қисми Марказий Осиё республикалари орқали Россияга етказиб берилаётир. Россия-Қозоғистон чегараси 7 минг километрни ташкил этади. Бу АҚШ-Мексика сарҳадлари узунлигидан икки баробар кўп. Наркотиклар Осиёдан Европага Грузия ҳудуди орқали ҳам олиб ўтилаётгани ҳақида хабарлар тарқатилган. Ундан кейин Туркия, Греция ва бошқа мамлакатларга жўнатилаётир. Грузия орқали Европа ва Россияга йилига 7 тоннагача героин ташилаётган экан. Наркотик моддаларни ташувчилар турли йўллардан фойдаланмокда. Ушбу «захри қотил»ни мева-сабзавотлар ичида, автотранспорт воситаларидаги хуфя жойларда, қўл юклари, маиший буюмлар, кийим-кечаклар орасида, инсон танаси, ҳатто, ички аъзоларига яширган ҳолда олиб ўтишга уринилмокда.

Афғонистоннинг Нангарҳар, Хост, Пактия, Хелмон, Кунар, Балх, Қундуз вилоятларида морфий ва героин ишлаб чиқариш марказлари мавжуд. Айрим маълумотларга кўра, афғон кўкнорифурушларининг йиллик даромади 3 миллиард АҚШ долларидан ошади. Мамлакатдаги кўкнори майдонлари Колумбия, Перу ва Боливия мамлакатларини қўшиб ҳисоблаганда уларнинг кокаин плантацияларидан ҳам каттадир. Шуниси ачинарлики, Афғонистонда етиштирилаётган бундай “қора дори” мамлакат фуқаролари, айниқса, ёшларни ҳам ўз домига тортмокда. Айрим маълумотларга кўра, қарийб 300 минг нафар бола мунтазам равишда наркотик қабул қилади.

Ҳар йили Афғонистондан хорижга 800-820 тонна атрофида героин чиқарилмокда. Афғонистон ва Мьянма кўкнори етиштириш бўйича дунёда етакчилик мавқеини сақлаб турибди. БМТ ҳисоботига кўра, ҳозир Афғонистонда ўртача 209 минг гектар майдонда, Мьянмада эса 58 минг гектар ерда кўкнори етиштирилмокда. Хелмонд ва Қандаҳор вилоятларида яшовчи аҳоли кўкнори етиштириш ҳисобига кун кечирмокда. Бир неча йил илгари маҳаллий ҳукумат кўкнори ўрнига шафран ёки буғдой экишни тавсия этган. Лекин мазкур экинлардан олинаётган даромад уларни қониқтирмаяпти.

Бундан 13 йил олдин Афғонистонда АҚШ ва иттифокдош давлатлар ҳамкорлигида аксилтеррорчилик амалиёти бошланган эди. Ўтган йиллар давомида ўлкада ҳаёт аста-секин изга тушиб бораётганига қарамай, қорадори тайёрлаш ҳажми уч баробарга ўсгани кишини ташвишга солади. БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан тайёрланган маърузада айтилишича, коалицион кучлар томонидан наркобизнесга қарши кескин чора-тадбирлар кўрилганига қарамай, Афғонистондаги кўкнори майдони Вашингтон ҳудудидан 12 баробар каттадир.

Афғонистонда бўлгани каби айрим хорижий давлатларда наркотик моддаларни тарқатиш жадаллик билан ривожланмокда. Хусусан, баъзи мамлакатлар томонидан наркотик моддани легаллаштириш тўғрисида қабул қилинаётган қарорлар кишини ажаблантиради. Масалан, Уругвай БМТ ва бошқа кўплаб халқаро ташкилотларнинг танқидларига қарамай, дунёда биринчи бўлиб марихуанани қонунийлаштирди. Мамлакат расмийларининг фикрича, Уругвай наркотик бозордаги ноқонуний савдо-сотиқни назорат қилишга қодир. Бироқ кузатувчиларнинг фикрича, бу, ўз навбатида, гиёҳванд моддаларнинг тарқалиши ва жиноятчиликка йўл очиб бериши мумкин. Бундан ташқари, АҚШнинг Вашингтон ва Колорадо штатлари ва Европанинг қатор мамлакатларида ҳам наркотик моддаларнинг қонунийлаштирилиши БМТ томонидан танқидга учраган.

Кўп миқдорда наркотик моддалар ишлаб чиқарувчи Афғонистон билан қўшничилик “захри қотил” билан боғлиқ вазиятга салбий таъсир кўрсатмай қолмаслиги мумкин. Шу боис Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан трансмиллий наркогуруҳларнинг қонунга зид фаолиятини аниқлаш ва унга чек қўйиш, контрабанда каналларини ёпиш, гиёҳвандлик экинларини йўқ қилиш ва гиёҳвандлик иллати ёйилишининг олдини олиш бўйича махсус комплекс операциялар амалга оширилмокда. Ушбу чора-тадбирлар наркожиноят ва гиёҳвандлик тарқалиши йўлига ишончли тўсиқ қўйиш имконини бераётир.

Белгиланган режага мувофиқ, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида профилактика ишлари олиб борилмокда. Профилактика — гиёҳвандликка қарши курашишнинг таъсирчан усули ҳисобланади. Бу ишларга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази ва унинг ҳудудий комиссиялари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, маданият, тиббиёт, спорт муассасалари ҳамда оммавий ахборот воситалари жалб қилинган. Бунда, аввало наркотик моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тушунтириш ишлари олиб борилиб, ёшлар учун гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишнинг ҳалокатли оқибатларига бағишланган радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар эфирга узатилмокда, газета ва журналларда мақолалар чоп этилмокда. Кинотеатрларда ушбу «захри қотил»нинг зарари ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий ва ҳужжатли фильмлар, махсус роликлар намойиш этилиб, бошқа кўргазмали воситалардан фойдаланилмокда.

Ўзбекистон наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича халқаро ҳамжамият олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришга алоҳида эътибор қаратмокда. Мамлакатимиз БМТнинг Наркотик моддалар тўғрисидаги ягона конвенцияси, Психотроп моддалар тўғрисидаги, Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги ва Психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияларига қўшилган. 1999 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг вазифаларидан бири наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашишдир. Мамлакатимиз Наркотик воситалар, психотроп моддалар ва уларнинг прекурсорлари ноқонуний айланишига қарши кураш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот-мувофиқлаштириш маркази ишида ҳам фаол қатнашмокда. Тошкентда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси фаолият кўрсатмокда. Ўзбекистон шунингдек, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ), Жаҳон божхона ташкилоти, Интерпол каби нуфузли халқаро тузилмалар билан ҳамкорлик қилмокда.

**Азимжон ПЎЛАТОВ**

⊙ Реклама ўрнида

MIKROKREDITBANK

# Микросармоялар

**қишлоқ аёлларининг тадбиркорлик қобилиятини ривожлантириш, оилаларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга кўмак бермокда**

***“Микрокредитбанк” АТБ ташкил этилганидан буён аҳолининг кам таъминланган қисмига кўмак бериш, ижтимоий-иқтисодий фаоллик даражасини ошириш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.***

Банк доимий равишда республикамиз бўйлаб тадбиркорлик субъектлари иштирокида семинар ҳамда давра суҳбатлари ўтказишни йўлга қўйган. Жумладан, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида мамлакатимизнинг чекка туман, қишлоқ ва овулларида ҳам оилавий тадбиркорлик, касаначилик, соҳага оид ислоҳот ва янгиликлар юзасидан учрашув, давра суҳбати, турли семинар-тренинглар ташкил этилмокда.

Тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг ҳисоб-китоб муносабатларини амалга ошириш учун, албатта, гаров мулки талаб этилади. Бундай мулкнинг қиймати мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан ҳисобланиши лозим. Кредит олишда кам таъминланган оилада юзага келадиган муаммолардан бири кредит учун таъминот, яъни гаровга қўйиладиган мулк мавжуд эмаслигидадир. Гуруҳ кафиллиги асосида кредитлаш ушбу муаммони ҳал этади. Лекин бу йўналишда банк хатари юқори эканлигини инобатга олган ҳолда уларни кредит олгунга қадар билим салоҳиятларини ошириш, соҳага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан яқиндан таништириш лозим бўлади.

Гуруҳ аъзолари кафиллиги асосида микрокредит ажратиш борасидаги ишлар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида амалга оширилаётган “Аёллар тадбиркорлигини, ёшлар, хусусан, коллеж битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини янада молиявий ва ташкилий қўллаб-қувватлаш” қўшма иш режаси асосида олиб борилмокда. Ушбу лойиҳа “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг 33-бандига киритилган бўлиб, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ва “Микрокредитбанк” АТБ ҳамкорлигида Хоразм ва Бухоро вилояти туманларида ташкил этилди. “Тадбиркор аёл — баркамол авлод бунёдкори!” мавзусида жойларда ўтказилган тадбирларда бизнес лойиҳа ишлаб чиқиш, кам фоизли микрокредитлар олиш ва тадбиркорлик фаолиятини бошлашда амалий ёрдам кўрсатиш борасида маълумот, таклиф ва тавсиялар берилди. Бундан мақсад оддий қишлоқ аёлларининг тадбиркорлик қобилиятини ривожлантириш, оиланинг иқтисодий аҳволини яхшилашга кўмак беришдир. Бу эса аёлларнинг жамият ҳаётидаги ижтимоий фаоллигини янада оширади. Мазкур режа асосида жорий йилнинг июнь-ноябрь ойларида гуруҳ кафиллиги асосида кредитлар ажратиладиган ҳудудлар таркибига киритилган Олтинсой, Музробод, Қизириқ, Касби, Ғузор, Яккабоғ, Чуст ва Мингбулоқ туманларида аёлларнинг тадбиркорлик қобилиятини ривожлантириш, бизнесини бошлашга кўмаклашиш, истиқболли бизнес режа тузиш бўйича ўқув дарслари ташкил этилди. Тадбирда фаол иштирок этган жами 480 нафар хотин-қизларга бошланғич сармоя ажратиш бўйича сертификатлар топширилди.

Бухоро вилоятининг Ғиждувон ва Бухоро туманларида ҳам кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган ва тадбиркорликка лаёқати бор аёлларни оилавий тадбиркорликка кенг жалб қилиш, гуруҳ кафиллиги асосида кредитлаш ишларини ташкил этиш мақсадида семинарлар ўтказилди. Шунингдек, бу каби учрашувлар Хоразм вилояти Қўшкўпир ва Гурлан туманидаги марказдан йироқ бўлган қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудларида ҳам бўлиб ўтди. Мазкур лойиҳада 358 нафар тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган хотин-қиз иштирок этди.

Лойиҳа доирасида уй хўжалиги ва шахсий томорқаларда иссиқхоналар ташкил этиш, паррандачилик, асаларичиликни ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритиш, деҳқон хўжаликларини тузиш каби мақсад-вазифалар белгиланган. Шунингдек, ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда оилавий бизнесни йўлга қўйиш, касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизларга қўшимча шарт-шароит ва имтиёзлар яратиш, уларга банк имтиёзли кредитларининг ажратилишида кўмак бериш, аёллар бандлиги ва коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга кўмаклашиш мазкур лойиҳанинг асосий мақсадидир.

**Эркин ДОРИПОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

⊙ Таълим

# Баркамол авлод тарбияси

**бунинг учун Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида барча шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд**

***Ўзбекистонда таълим тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши ўзининг юксак самараларини бераётир. “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида фарзандларимизни билимли, юксак салоҳиятли, жисмонан ва маънан етук инсонлар этиб тарбиялашнинг яхлит механизими шакллантирилди.***

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти халқ таълими тизими учун салоҳиятли мутахассислар тайёрловчи етакчи ва нуфузли таълим муассасаларидан ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарорига мувофиқ билим маскани бу йил ўзининг 80 йиллигини нишонлайди. Институтни битирганлар орасида таниқли давлат арбоблари, халқ хўжалиги, илм-фан, маданият ва маориф аълочилари кўпчиликни ташкил этади. Институт жамоаси унда таълим олган 6 нафар академик, 5 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони билан ҳақли равишда фахрланади.

Таълим маскани мустақиллик шарофати билан янги қиёфа касб этди. Талабаларнинг билим олиши учун барча зарур шароитлар яратилди. Таълим сифати жаҳон стандартларига мослаштирилди. Бугунги кунда институтда 20 та бакалавр таълим йўналиши ва 7 та магистратура мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларга бир нафар академик, 26 нафар фан доктори, 160 нафар фан номзоди ва доценти сабоқ бераяпти. Институтда Хоразм, Фарғона, Навоий ва Тошкент вилоятлари, шунингдек, қўшни Туркманистондан келиб таълим олаётган ёшлар кўпчиликни ташкил этади.

Таълим муассасасида етук ва салоҳиятли мутахассислар тайёрлаш, таълим-тарбия ишларини яхши йўлга қўйишда кутубхонанинг аҳамияти беқиёс. Шу боис институтнинг Ахборот-ресурс марказида талабалар учун барча шароитлар муҳайё этилган. Марказ компьютерлари интернет тармоғига уланган. Ҳар бир талаба интернет хизматидан бепул фойдаланиши, ўқув залларидаги компьютерлар, газета-журнал залларидан эмин-эркин фойдаланиши мумкин. Айтиш жоизки, бундай имкониятлар институтнинг таълим-тарбия жараёнини янада жадаллаштиришга хизмат қилмокда.

Институтда ёшларни нафақат юқори малакали мутахассис, балки маънан ва жисмонан баркамол бўлиб шаклланиши мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмокда. Хусусан, истеъдодли ва билимли ёшларни аниқлаш, уларни ижодий қобилиятларига кўра илмий фаолиятга йўналтириш, илмий-педагогик маҳоратини намоён этишга кўмаклашиш ва рағбатлантириш доимий эътиборда.

Институтнинг иқтидорли талабалари республика олимпиадаларида муваффақият билан қатнашиб, катта ютуқларни қўлга киритишмокда. Чунончи, жорий йилнинг май ойида олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилган республика фан олимпиадасида талабаларимиз 7 йўналиш бўйича 2 ва 3-ўринни эгаллашди. 2013 йилнинг 6-14-апрель кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган волейбол бўйича XXI Ўзбекистон миллий чемпионатида институтнинг қизлар терма жамоаси 2-ўринни эгаллади. 2013 йилнинг 26-28 июль кунлари Чехия Республикасида дзюдо бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Европа кубоги мусобақасида ғолиб бўлган талабамиз Э.Машарипов 2016 йили Бразилиянинг Рио де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Истеъдодли ёшларни илмий тадқиқот ишларига йўналтириш мақсадида факультетларда 23 та фан тўгараги ташкил этилган. Илмий тадқиқотларда иштирок этаётган талаба ва магистрантларнинг мавзуга оид илмий мақолалари институт нашри - “Фан ва жамият” журналида мунтазам равишда чоп этиб борилмокда. Шу кунгача институтнинг бир қанча талабалари Президент стипендияси, Навоий ҳамда Улуғбек номидаги давлат стипендиялари соҳиблари бўлишди.

Ёшларга таълим-тарбия бераётган заҳматкаш устозларнинг фидокорона меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланмокда.

Институт жамоаси олийгоҳ тарихи билан боғлиқ яна бир муҳим санани нишонлаш учун тараддуд кўрмокда. Маълумки, истиқлол шарофати билан институтга қорақалпоқ мумтоз адабиётининг ёрқин вакили, буюк мутафаккир ва шоир Ажиниёз Қўсибой ўғлининг номи берилган эди. Айни пайтда халқпарвар ва ватанпарвар шоир таваллудининг 190 йиллиги кенг нишонланмокда. Бу институт жамоаси учун чинакам қўшалоқ байрам саналади.

Ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг онгида Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссини ошириш, буюк аждодларнинг бебаҳо меросидан фахрланиш туйғусини шакллантириш, мустақил фикрли шахсларни тарбиялаб, ҳаётга йўллаш институт жамоасининг мақсад — вазифасидир. Зеро, бунинг учун Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида барча шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд.

**Каримбой ҚУРАМБОЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор,**
**Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,**
**Илья ДИЛЬМАНОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

⊙ Эълон

# Ҳушёрлик — ёнғин хавфсизлигининг асоси

Ҳурматли ҳамюртлар! Маълумки, қиш фаслида фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжи бирмунча ортиб бориши ёнғин хавфининг кескин ошишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги 309-сонли қарорига асосан, жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабрига қадар республикамиз ҳудудида Ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилади. Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектлари, шунингдек, аҳоли турар-жойларини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик, ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишдир.

Азиз ватандошлар! Ойлик давомида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этишингизни сўраймиз. Зеро, бу билан сиз нафақат ойликнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки давлат ва ўзингизга тегишли шахсий мулкингиз, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ**
**Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси**

Сана

# Ифтихор ва ғурур тимсоли

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда)

Ўзбекистоннинг давлат рамзлари халқимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этиб, шу юртда яшовчи ҳар бир фуқарога ғурур, фахр-ифтихор бағишлайди.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, озод Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари - Давлат герби, Давлат байроғи, Давлат мадҳияси азиздир. Шу боис байроғимиз ёки гербимизга назар солганимизда ёки мадҳиямиз янграганда биз руҳан жўшқинликни, азму шижоатимиз ошганини, қалбимизда ғурур ва буюк истиқболга ишонч туйғусини ҳис этамиз.

Ватанимиз мустақилликка эришгач, 1991 йилнинг 18 ноябрида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Мана, йигирма уч йилдирки, миллий байроғимиз халқаро миқёсда мамлакатимиз обрў-эътиборини, юртдошларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини мустаҳкамлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги бош қароргоҳида ҳилпираб турган байроқлар орасида Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи ҳам борлиги қалбимизда ғурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдиради. Шу юрт, шу муқаддас замин фарзанди эканимиздан фахрланамиз.

Давлатимиз байроғи Президент девони, Олий Мажлис палаталари, Ҳукумат биноси, маҳаллий бошқарув идоралари, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва савдо ваколатхоналари, консуллик муассасаларида ҳилпираб турибди.

Президентимизнинг хорижий давлатларга расмий ташрифлари давомида байроғимиз ўша мамлакат кўчаларини безайди. Турли байрам тантаналарида, мамлакатимиз делегациялари қатнашаётган халқаро тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида Ватанимиз шарафи, халқимизнинг ғурур ва ифтихорини ёрқин акс эттирадиган омиллардан бири ҳам айнан байроғимиздир.

Ватан ҳимояси учун ҳарбий қасамёд қилаётган ўғлонлар байроғимиз олдида тиз чўкиб, уни кўзларига суради. Халқаро миқёсдаги мусобақаларда ғалаба қозонган спортчиларимиз давлатимиз байроғини баланд кўтариб, ғолиблик нашидасини суради.



Давлатимиз байроғи спортчиларимизга доимо куч-қудрат, жасорат бахш этади. Спортчиларимиз 2014 йилнинг ўтган даврида миллий ва олимпия спорт турлари бўйича ўтказилган қатор халқаро мусобақаларда 186 олтин, 200 кумуш, 239 бронза медални қўлга киритди. Улар эришган ғалабалар шарафига дунё спорт ареналарида Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилди. Бу миллионлаб юртдошларимиз қалбини чексиз фахрга тўлдирди.

Давлатимиз байроғидаги ҳар қайси ранг, ҳар бир белги чуқур маъно-мазмунга эга. Улар миллий давлатчилигимиз тарихидаги эзгу ифодаларни, айни пайтда мамлакатимизнинг табиий, миллий ва маънавий хусусиятларини ўзида мужассам этган. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонунда миллий тимсолимизни тасвирлаш ва ўрнатишга оид рангли-схематик тартиблар белгиланган.

Байроқдаги мовий ранг — мусаффо осмон ва тиниқ сув еру кўкдаги ҳаёт манбалари ифодаси. Оқ ранг тинчлик ва поклик рамзи сифатида халқимиз забт этадиган довонларга йўл очади. Яшариш ва янгиланиш тимсоли бўлган яшил ранг юртимизнинг гўзал табиатига қиёсдир. Қизил чизиқлар эса томиримизда жўшиб оқаётган аждодлар қони — ҳаётий қудрат ва бардавомлик нишонасидир.

Янги ой юртимиздаги тинчлик ва фаровонликни, айни пайтда давлатчилигимиз тарихида янги давр бошланганини акс эттиради. Унинг ёнида саф тортган 12 юлдуз беғуборлик, мукаммаллик, донишмандлик ифодасидир.

Давлат рамзларининг муқаддаслигини, улар бизга элу юрт манфаати барча нарсадан устунлигини англатиб, эслатиб туришини ҳар биримиз, айниқса, ёш авлод доимо ёдда тутиши лозим.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

# Кайфиятни кўтарадиган мева

**Банан мевасида 80 фоизгача сув, бириктирувчи тўқима, таом ҳазмини яхшиловчи пектин моддалар, шакарга айланувчи крахмал, оқсил, углеводлар (асосан сахароза), олма кислотаси, таъм берувчи моддалар, ферментлар, С, В1, В2, В6, РР витаминлари, катехоламинлар мавжуд. Мева кальций, магний, натрий, фосфор, темир ва калий тузларига ниҳоятда бой.**



Кунига 1-2 та банан истеъмол қилиш инсон қувватига қувват қўшибгина қолмай, кайфиятини кўтаради, диққатни бир жойга жамлашга, ишчанлик қобилиятини оширишга ёрдам беради. Банан калий ва магний тузларига бойлиги боис атеросклероз ва гипертония билан оғриган, очликни кўтара олмайдиган беморларга парҳез мева сифатида ҳар куни истеъмол қилиш тавсия этилади. Мева ёрдамида ошқозон-ичак, буйрак, жигар, қовуқ касалликларини даволаш мумкин. Банан истеъмол қилиш ичкетиш, энтерит, дивертикулит ва ярали колит касалликларини даволаш мақсадида ҳам буюрилади. Мазкур мевада тинчлантирувчи ва қон босимини бироз кўтариш хусусиятига эга эфедрин моддаси бўлиб, марказий асаб тизимини тинчлантиради, қонда шакарни кўпайтиради, бронх-ўпка йўли мушакларига спазмолготик таъсир кўрсатади. Шундай бўлса-да, банан истеъмол қилиш қандли диабет, тромбофлебит, вена томирларининг варикоз кенгайиши, шунингдек, инфаркт ва инсульт хасталигига дучор бўлган инсонларга тавсия этилмайди.

БИЛАСИЗМИ?

Вазни 70 килограмм бўлган инсон организмида 5 литрга яқин қон айланади.

* * *

Япония аҳолиси 127 миллион киши, шундан 23 фоизини 65 ёшдан ошган инсонлар ташкил қилади.

Ҳунармандчилик



# Анъана ва қадриятлар

**миллий ҳунармандчилигимиз ривожига хизмат қилмоқда**

***Президентимиз раҳнамолигида қадимий урф-одат ва миллий қадриятларимизни, бой маънавий меросимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш, келажак авлодларга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.***



Буюк Ипак йўлида жойлашган Жиззах азал-азалдан халқ амалий санъатининг кўплаб турлари ривожланган воҳа ҳисобланади. Вилоят ҳунармандларининг кўксига истиқлол йилларидагина ҳақиқий маънода шамол тегди. Наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, бадиий кулолчилик, каштачилик каби миллий ҳунармандчиликнинг ўнлаб турлари янада сайқалланиб, унутилаётган ҳунар турлари қайта тикланди. Жиззахлик қўлигул усталар ўзи танлаган йўналишда меҳнат қилиши, ёш авлодга ҳунар сирларини ўргатишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Зоминлик Сулувхол момо Иброҳимова узоқ йиллардан буён гиламдўзлик билан шуғулланиб келади. Ҳунари орқасидан эл орасида ҳурмат, эътибор топди, кўплаб шогирдлар етиштирди. Кўрик-танловларда иштирок этиб, муносиб тақдирланди. Онахоннинг хонадонига қачон ташриф буюрманг, уни қизғин иш устида, шогирдлари даврасида учратасиз. Набиралари, эваралари, маҳаллада шу ҳунарга меҳри тушган борки, Сулувхол момога шогирд бўлишга интилади. Онахон эса уларга эринмасдан гилам тўқишнинг сир-асрорларини ўргатади.

— Бу ҳунар қадимийлиги, қўл меҳнати орқали яратилиши билан қимматлидир. Тўқиш жараёни эса киши қалбига хотиржамлик, руҳий сокинлик бағишлайди, - дейди 84 ёшли онахон. — Гилам тўқиш учун, аввало, сифатли пахта толаси ёки қўй жуни танлаб олинади. Пахта чигитлардан титиб тозаланса, қўй жуни ювилиб, офтобда қуритилади ва савалагич ёрдамида саваланади. Улардан узун ўрамалар (тугунаклар) ҳосил қилиниб, урчуқда йигирилади. Ўрамалар урчуқ ёрдамида ингичка, аммо мустаҳкам ип ҳолатига келтирилиб, улардан бир хил ҳажмдаги калава иплар тайёрланади. Гиламнинг катталиги, тушириладиган тасвирларга қараб маҳсулотларнинг маълум бир қисми турли рангларга бўялади. Оқ рангга мойил жунларга ранг бериш орқали сариқ, қизил, пушти каби ранглар ҳосил қилиш қулай бўлса, қора рангдагидан тўқ рангларни олиш мумкин.

Ҳунармандчиликнинг мазкур тури анчайин ривожланган ва маҳаллий хотин-қизларнинг асосий машғулот турларидан ҳисобланган Зоминда гилам тўқишнинг "патли", "тақирлоқ", "зулбароқ" каби турлари кенг тарқалган. Улар бир-биридан тўқилиш усули, кўриниши ва ҳажми билан фарқ қилади. Патли ва зулбароқ гиламлар ўзининг қалинлиги, оғирлиги, юмшоқлиги ва тўшалган жойга чанг ўтказмаслиги билан ажралиб турса, тақирлоқ гиламга енгиллик, юпқалик хос. Юлдузча, атиргул, занжир, қўш қанот сингари тасвир ва рамзлар Жиззах гиламларини ажратиб турувчи ўзига хос жиҳатлар саналади.

— Гилам тўқишда ишлатиладиган асбоблар ҳам ўзига хос,- дейди Сулувхол момо. — Масалан, патли гилам тўқишда қайчи, пичоқ, темир тароқдан кенг фойдаланилса, тақирлоқ гиламда қайчи, темир тароқ ва дукондан фойдаланилади. Дукон, яъни темир труба гиламнинг мустаҳкам чиқиши ва текис тўқилишини таъминлайди. Тақирлоқ гиламнинг тайёр бўлиши учун ўртача 6-7 кун вақт сарфланса, патли гиламга 15-20 кун муддат кетади. Гиламни бир ёки бир вақтнинг ўзида 3-4 нафар тўқувчи ҳам тўқиши мумкин.

Воҳанинг маълум бир ҳудудидаги ўзига хос халқ амалий санъат турини бошқа туманларда учратмайсиз. Зомин тумани ҳунармандлари яратган буюмлар хусусида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Туманнинг Қарапчи қишлоғида истиқомат қилувчи чевар-ҳунарманд, момоларимиз касбини ардоқлаб келаётган Муборак Умаровани вилоятда кўпчилик ўз касбининг моҳир устаси сифатида яхши билади. Ўзининг айтишича, у оилавий сулоланинг қуроқчилик ҳунари билан шуғулланаётган тўртинчи авлод вакили экан. Бир-бирига уланиб тикилган буюмларни кўздан кечириб, уларнинг оддий қийқим ёки майда мато бўлакларидан тайёрланганига сира ишонгингиз келмайди.

—Болалигимдан бувим ва онам ясаётган ҳар бир детални синчковлик билан кузатиб, қуроқчиликнинг нозик жиҳатларини кунт билан ўрганардим,- дейди Муборак опа. — Улар иш жараёнида майда камчиликларни кўрсатишдан асло чарчашмасди. Айниқса, онам бизга ҳунарли киши ҳеч қачон хор бўлмаслигини, дунёдаги ҳамма шодлик, ҳамма эзгуликларнинг манбаи меҳнат эканлигини бот-бот уқтирарди.

Қуроқдан тайёрланган дастурхон, ёстиқ, кўрпалар ўзбек хонадонларига ўзгача кўрк бағишлайди. Жиззахда турмушга чиқаётган қизнинг сепи орасида бундай буюмлар алоҳида ўрин олган. Қуроқчиликда хотин-қизларимизнинг ижодкорлик, тасвир ва ранг танлашдаги маҳорати яққол намоён бўлади.

Бугун вилоятда ёш ҳунармандлар сони кенгайиб бораётир. Улар сафида Жиззах тумани Қўшкўприк маҳалласида истиқомат қилувчи Бунёдбек Зоиржонов ҳам бор. Эндигина 15 ёшни қаршилаган Бунёд вилоят ва республика миқёсидаги нуфузли кўрик-танловларда ғолибликни қўлга киритган. Бадиий ҳунармандчиликнинг қадимий ва кенг тарқалган соҳаси бўлган ёғоч ўймакорлигида ижод қилаётган ёш ҳунарманд ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши томонидан ўтказиладиган турли тадбирларнинг фаол иштирокчиси.

— Дадам уста бўлганлиги боис, бу ҳунарга болалигимдан меҳр уйғонган, - дейди у. — Мендаги меҳр ва қизиқишни пайқаган дадам таниқли ўймакор усталар Акром Махсумов ва Ҳилола Акромовага шогирдликка берди. Оддий ёғочга сайқал бериб, уни ҳақиқий санъат асарига айлантириш мумкинлигини, бунда инсондан нозик дид, маҳорат ва чексиз сабр-тоқат талаб этилишини устозларим ишини кузатиб, гувоҳ бўлганман.



Ёш ҳунарманднинг айтишича, ёғоч ўймакорлигида қайрағоч, арча, ёнғоқ, тут, ўрик, чинор, тол, терак дарахтларидан кенг фойдаланилади. Ёғочлар 6 ойдан бир йилгача сув тўлдирилган ҳовузда сақланади, сояда қуритилади. Бундай ёғочлардан ясалган буюмлар пишиқ, сифатли бўлиб, чидамлилик хусусиятига эга. Бунёд ясаган лавҳ, қаламдон, безак қутиси, шахмат доскасидан тортиб стол-стул, сандиқ, сингари уй-рўзғор буюмлари пишиқ-пухталиги, ранг-баранг шакллари, нақшларининг такрорланмас жозибаси билан кишини ўзига жалб этади. Бугунги кунда юртимизда халқ амалий санъатини, шу жумладан, ёғоч ўймакорлигини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Халқ усталари томонидан ёғоч ўймакорлигининг усул ва услублари янада такомиллашиб бормоқда. Оддий рўзғор буюмларидан тортиб, замонавий, муҳташам биноларда ёғоч ўймакорлиги намуналаридан кенг фойдаланилаётганлиги ёш ҳунармандларни соҳа сирларини пухта эгаллашга ундайди.

Дарҳақиқат, вилоятда бой тарихимиз, бебаҳо урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, моҳир усталар яратган услуб ва мактабларни янада такомиллаштириш, ёш ҳунармандларни рағбатлантиришга эътибор қаратилаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 30 мартдаги "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони бу борада дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ТУРФА ОЛАМ

# Антиқа қалпоқча

**Америкалик олимлар томонидан фикрлаш кучи билан матн териш имконини берувчи тизим кашф этилди.**



Манбада келтирилишича, ушбу тизим мия жарроҳлиги амалиётидан кейинги тикланиш даврини бошидан ўтказаётган беморлар, шунингдек, фалаж бўлиб қолган инсонларнинг мулоқот қилишлари учун яқиндан ёрдам беради. "Мия компьютери" деб номланган тизим шарофати билан эндиликда ҳар қандай матнни фикрлаш кучи билан териш мумкин. Ишланма муаллифларидан бири Жонатан Уоллоунинг таъкидлашича, тизим мия сигналларини қабул қилиб, уни компьютер мониторига чиқаради.

Тизим жуда оддий кўринишга эга. Электродлар билан тўлдирилган гелсимон қалпоқча эса беморнинг фикрини ўқиш имконини беради. Мазкур тизимдан фойдаланаётган инсон экрандаги визуал клавиатурадаги тугмачаларга қараб ҳам ҳарф териши мумкин. Фақат диққатини бир жойга жамласа бўлгани. Ҳозирча янги тизим ёрдамида ҳарф териш жараёни секин-аста ривожланиб бормоқда. Шунданми, тизим мижознинг маълум бир ҳарфга диққатини жамлаганини аниқлаши учун камида 15 сония вақт зарур. Мутахассислар томонидан бу катта муваффақият сифатида баҳоланмоқда.

# Сунъий дарахт

**Қуёш нурини энергия қувватига айлантира олиш хусусиятига эга дарахт кўринишидаги мослама интернетга бепул уланиш имконини беради.**



Мазкур мослама бошқа бир қатор вазифаларни ҳам бажаради. Мисол учун телефон батареясини зарядлаши, чуқурликдан сув тортиб, кўкаламзорлаштириш ишларига яқиндан кўмаклашиши мумкин. Сунъий дарахтнинг устки қисмида дарахт шохларини ифодаловчи қуёш батареялари жойлашган. Уларда смартфон ва планшетларни зарядлаш имконини берувчи USB портлар мавжуд. Кечки вақтда эса мазкур дарахт кўчаларни ёритибгина қолмай, информацион реклама экранларини қувват билан таъминлайди. Сунъий дарахт ҳозирча Исроилда ўрнатилган. Ишлаб чиқарувчи компания тез орада бу каби дарахтларни Хитой ва Франциянинг йирик шаҳарларида ҳам ўрнатишни режалаштирмоқда. Бундай сунъий дарахт 7 та қуёш панелларидан иборат бўлиб, 1,4 кВт электр қуввати ишлаб чиқариш хусусиятига эга.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**

Тошкент шаҳар Сергели тумани ҳокимлигидан 2008 йил 17 сентябрда рўйхатдан ўтган (гувоҳнома рақами № 001777) "OCHUN BUSINESS" хусусий корхонаси ўз фаолиятини тугатганлигини маълум қилади.
Даъволар икки ой ичида қабул қилинади.
**Мурожаат учун телефон: (+99890) 952-20-81**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH
**МУАССИС:** ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ
**ҲОМИЙ:** «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САФОЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмат ХУДОЁРОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ
**Бош муҳаррир:** Беҳзод НОРБОЕВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1125, Адади — 6124. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Шоҳида ДАМАНОВА
**Навбатчи:** Шаҳзод ҒАФФОРОВ
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 3.00.
***ISSN 2010-7714***
1 2 3 4 5